СССР Давлат китоб палатаси
12 АПР 1991

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

Тошкент ҳақиқати

РЎЗНОМА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ ҚЎМИТАСИ, ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ КЕНГАШИНИНГ БОШ НАШРИ

№ 64 (10.060). 1991 йил 3 апрель • чоршанба • Баҳоси 6 тийин.

ТАНГЛИККА ҚАРШИ ДАСТУР ТАЙЁРЛАНМОҚДА

1 апрель куни СССР Президенти М. С. Горбачев СССР Вазирлар Маҳкамаси томонидан тангликка қарши дастурни тайёрлаш ишлари қандай бораётганини кўриб чиқди. Муҳокама чоғида М. С. Горбачев бу ҳужжатнинг руҳи ва мазмуни ҳақида мулоҳазалар айтди. Дастур лойиҳаси устидаги ишни бир ҳафта муддат ичида ниҳоясига етказиш зарур, деб топилди.

Айни вақтда СССР Вазирлар Маҳкамасининг халқ истеъмол моллари ва хизматларнинг чакана нархлари ўзгариши муносабати билан ўтказиладиган иш тўғрисидаги ахбороти тингланди.

(ТАСС).

САБЗАВОТ ЭКИШ ТУГАЛЛАНМОҚДА

КАЛИНИН. (Ўз мухбиримиздан). Ерни, техникани ва бошқа керакли воситаларни ўз вақтида шай қилиб қўйган деҳқон бугунги кунда экишни маромида ўтказиб, яхши натижаларга эришмоқда.

«Партия XX съезди» хўжалигида олиб борилаётган ишлар бунга мисолдир. Хўжаликда ҳозиргача 20 гектар ерга картошка, шунча гектар майдонга карам экиб қўйилди. Бу экинлар асосан плёнка тагига олинди. Ўтган йили кузда экиб қўйилган чеснок, пиёз айни кунларда гуркираб ўсмоқда. Ўтдан тозалаб олинди. Шунингдек, эртаги карам ҳам биринчи ишловдан чиқарилиб, ўғит солиниб, сув қўйилмоқда.

Хўжалик деҳқонлари бу йил 20 гектар ерга карам экишни мўлжаллаган эдилар. Кунлар исиб ер етилиши билан иссиқхонада тайёрланган сара кўчатларни далага чиқариб экиш бошлаб юборилди. Улар бу ишни узоғи билан 7—8 кун ичида ниҳоясига етказишга ҳаракат қилмоқдалар. Колхознинг Бахтиёр Мирсоатов бошлиқ бригадаси миришкорлари помидор экишда, айниқса, яхши натижаларга эришмоқдалар.

Боғ-роғларда ҳам иш қизғин бораётир. Мевали дарахтларни буташ ва шакл бериш ишлари барвақт бажарилди. Шу кунларда токлар очилиб, симбағазларга таралмоқда.

20 гектар ердаги оралиқ экиндари ва 120 гектар майдондаги беда экини парваришн ҳам кучайтириб юборилди. Деҳқонлар боғ ва токзорларда, сабзавот далаларида ишни авж олдириш билан бирга шаҳарликларга маҳсулот етказиб беришни ҳам унутаётганлари йўқ. Ҳар куни кўплаб миқдорда редиска за иссиқхонада етиштирилган бодринг шаҳарликларга тортиқ қилинаётир. Ошкўклар ҳам кўплаб етказиб берилаётир. Бу маҳсулотларнинг бир қисми хўжаликнинг ўз фирма дўкони орқали, шунингдек, тайёрлов идоралари воситасида шаҳарликларга етказиб берилаётир.

● ЎРТА Чирчиқ районидаги ТИИМСХ ўқув-тажриба хўжалигининг А. Сулаймонов бошлиқ 9-бригадаси аъзолари баҳорги юмушларни уюшқоқлик билан олиб бормоқдалар. Шу кунгача карам кўчати, картошка уруғи экиб бўлинди. СУРАТЛАРДА: (пастда) механизатор Т. Абдукаримов, (юқорида) ижарачи С. Жуманов, бригадир А. Сулаймонов, бош агроном Д. Юн, (ўнг томонда) уруғлик экиш пайти.

Суратқаш В. ТЎРАЕВ.

• Долзарб мавзуда суҳбатлар

ХИЗМАТ ҲАҚИ ҚАНЧА БЎЛДИ?

Иккинчи апрелдан бошлаб нарх-навони кескин оширишга қарор қилган иқтисодий ислоҳот ижодкорларининг ниятлари қандай эканлиги унчалик тушунарли эмас. Лекин уларнинг хатти-ҳаракатларида қандайдир мантиқ бўлса керак. Балки, қатъий тежамкорлик режимига ўтишнинг фурсати етгандир.

Турган гапки, энди ҳеч нарсани ўзгартириб бўлмайди. У ҳолда биз шу ҳатти-ҳаракатларни шарҳлаш вазифасини ўз зиммамизга оламиз, афсуски, турли вазирликлар ва маҳкамаларнинг вакиллари бунга қилмадилар.

Хуллас, ишга ошиқаётганлар, бошқа бирор иш билан шошилаётганлар таксидан фойдаланишдан аввал ўз чўнтакларини бир кавлаб кўрсалар ёмон бўлмайди. Шу бугундан бошлаб сиз таксига ўтирганингиз учун 40 тийин, юрган ҳар бир километрингиз учун ҳам шунчадан пул тўлашингиз керак бўлади. Агар таксини уйга чақиришни истасангиз, бу сизга тахминан икки сўмга, Тошкентда эса қарийб уч сўмга тушади. Тўғри, ҳанузгача янги таксометрлар йўқ. Шундай бўлгач, кўрсатилган йўл ҳақини иккига кўпайтириб, унга 5 фоизли солиқни қўшиш зарур.

Автобусларга келганда, энди шаҳарда юриш 15 тийинга, экспрессларда эса 20 тийинга тушади. Вилоятлар ичида қатновчи автобусларда йўл ҳақи 60 фоиз, вилоятлараро ва республикалараро автобусларда эса икки баравар ошади.

Ўзбекистон ССР Автомобиль транспорти вазирлигидан хабар қилишларича, нархларнинг оширилиши йўловчиларга маданий хизмат кўрсатилишига ижобий таъсир этиши лозим. Бундан ташқари, Чехословакиядан валюта эвазига шинам ва қулай «Каросса» автобусларини сотиб олиш тўғрисида келишилган. Илгаригидек, ўзимиз ўрганиб қолган «Икарус»лар ҳам етказиб бериб турилади.

Шаҳар электр транспорти — троллейбуслар, трамвайларга келганда эса, бугундан бошлаб сиз битта эмас, учта беш тийинлик паттани чакичлашингиз зарур. Агар юкингиз бўлса, у ҳолда олтита паттани чакичлайсиз. Тошкент трамвай-троллейбус ишлаб чиқариш бошқармасида қуйидаги изоҳни ҳам айтиб ўтишни ўтинди сўрашди: 2 апрелга қадар бепул юриш ҳуқуқига эга бўлганлар бундан кейин ҳам шу ҳуқуқдан фойдаланаверишади. Апрель учун олдиндан ойлик патта сотиб олганлар транспортдан фойдаланаётганда қўшимча ҳақ тўлашмайди.

Электр транспорти раҳбарияти автомобилчилардан фарқли ўлароқ, йўловчи-ҳайдовчи тўлов системасини жорий этиш ниятида эмас. Бу ердагилар бундай қилиш йўловчилар учун ноқулайликлар келтириб чиқаради, бекатларда керексиз ур-йиқит ва тўполонлар ҳосил қилади, деб ҳисоблашмоқда.

Тошкент метрополитенига келганда, ҳар бир йўловчи автоматга учта беш тийинлик танга ташлаши зарур. Турникетларга ўрнатилган учта кичкина чироқ сизнинг ер ости кошоналарига тушишингиз учун йўл очиб беради.

Алоқа воситаларининг янги нархлари билан боғлиқ иш анча мураккаброқ. Ўй телефонлари учун ҳақ тўлаш масаласи-ку равшан: одатдаги ойига икки ва икки ярим сўмга йигирма фоиз қўшасиз. Шаҳарлараро сўзлашувларга келганда эса, бунинг учун ҳақ махсус графикка қараб тўланади. Суҳбат ҳақи суҳбатдошлар орасидаги масофанинг қанчалигига қараб белгиланади. Бунинг устига, шу масофа қанча узоқ бўлса, устама ҳақ шунча кам тўланади.

Посилкалар ва бандероллар жўнатиш масаласида ҳам ҳали тўла аниқлик йўқ. Лекин, Ўзбекистон ССР Алоқа вазирлигида айтишларича, барча ноаниқликлар тез орада бартараф этилади.

Л. ЛЕВИН,
ЎзТАГ мухбири.
(2 апрель).

ҲАМ ДАВЛАТ, ҲАМ ХАЛҚ ФОЙДА КЎРАДИ

Маълумки, «Чакана нархларнинг бир йўла оширилиши муносабати билан жамғармалар қадрсизланишидан зарарни аҳолига тўлаш тўғрисида» СССР Президентининг Фармони эълон қилинди. Шу муносабат билан Тошкент вилояти жамғарма банки бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Нурулла Ғаниевич ЭРГАШХЎЖАЕВ билан вилоятимизда қилинаётган ишлар ҳақида суҳбатлашдик.

— Нурулла Ғаниевич, айтингчи, сизлар ишни нимадан бошладингиз?

— Аввало ишни жамиятимиздаги кам ҳимояланган табақа — пенсионерларга компенсация тўлашдан бошладик. Бунинг учун вилоятимизда мавжуд бўлган 18 та жамғарма банк бўлими ва уларнинг 187 та тармоқларида дам олиш кунисиз ишлашни жорий этдик. Иш соати узайтирилди. Натижада 1 апрелгача пенсионерларнинг барчасига қўшимча ҳақ етказиб берилди. Маълум муддатга уйида бўлмаганларнинг пули махсус ҳисобга ўтказиб, сақланади.

Қўрониб турибдики, жамиятимиз учун оғир кечаётган даврда қабул қилинган ушбу Фармон кишиларга анча енгилликлар туғдиради. Яъни одамларнинг жамғарма банкларига 1991 йил 1 мартга қадар қўйган пуллари 40 фоизга кўпаяди. Шунингдек 1991 йил 1 мартга қадар сотиб олинган СССР Жамғарма банк сертификатлари, СССР Давлат ҳазина мажбуриятлари, 1982 йилги ютуқли заём-облигацияларга ҳам 40 фоиз миқдорида қўшимча пул тўланади. Бу қўшимча пул ва фойда сертификат ҳамда ҳазина мажбуриятларини 1994 йил 1 мартдан кейин жамғарма банкларига тўлаш учун топширилгандагина тўланади. Уч йил муддатга чиқарилган фоизсиз мақсадли заёмлар эгалари муддати етганда олишлари керак бўлган товардан воз кечсалар, уларнинг пуллари ҳам 40 фоиз қўшимчаси билан қайтарилади.

Президент Фармони эълон қилинганидан сўнг махсус телеграмма олдик. Унда иш олиб бориш тартиби аниқ кўрсатилган. Биз ана шу тартиб қоидалар билан вилоятимизнинг барча районлари мутасаддиларини таништирдик. Айни пайтда вакилларимиз жойларда ушбу жараённинг тўғри амалга оширилишини қатъий назорат қилишяпти.

— Ўша махсус телеграммада нималар кўрсатилган?

— Унда асосан омонатчиларнинг жамғарма маблағлари билан муомала қилиш тартиби қайд этилган. Масалан, мабодо, омонатчи жамғарма банкида сақланаётган пулларини 2 мартдан 1 апрелгача олиб қўйса, унда 40 фоиз қўшимча тўланмайди. Ёки муддатли омонат 1991 йил 1 майга қадар шартлашилган янги муддатли омонатга ўтказилса унга қўшиладиган фоиз 1990 йил 1 ноябрдан бошлаб қўшилади.

— Омонатдаги жамғармага 40 фоиз қўшилиши қачонгача давом этади?

— Бу жараён 1991 йил 1 июлга қадар тугалланиши керак.

— Фармонда айтилишича, омонатдаги қўшимча миқдори 200 сўмгача бўлса, ундан шу йил 1 июлдан бошлаб фойдаланиш мумкин. Агар 200 сўмдан ошса у пулдан уч йилгача фойдаланилмайди, дейилган. Мақсад аҳолига енгиллик туғдириш бўлса, нима учун 40 фоиз қўшимча уч йилгача эгасига берилмайди? Бу билан аҳоли ўртасида норозилик туғилиши мумкинку. Шуни қандай изоҳлайсиз?

— Аввало, 200 сўмгача қўшилган маблағ 1991 йил 1 июлдан кейин омонатчининг ҳисоб дафтарчасига қўшиб ёзилади. Ундан ортиғи учун эса алоҳида омонат дафтарчаси очилади. Уч йил сақлангани учун ўша пулга йилига етти фоиз қўшимча қўшилади. Қўриниб турибдики, бу билан аҳоли зарар кўрмайди. Қўшимча пулнинг уч йилгача эгасига берилмаслигининг асосий сабаби, менимча, шу давр ичида ўша маблағдан халқ хўжалиги, иқтисодини тиклаб олишда фойдаланишдир. Бу вақт ичида жамиятимиз моддий ва иқтисодий тангликдан чиқиб олади, деб умид қиламиз.

Зарурат туғилгандагина — уй-жой сотиб олиш, қимматбаҳо товарлар тўлови учун нақд пулсиз бажариладиган ҳисоб йўли билан маблағ эгаси белгиланган 3 йил муддатдан олдин ўз жамғармасидан фойдаланиши мумкин.

— Мана шу кунларда омонатчи бор жамғармасининг ҳаммасини олиб, омонат дафтарини ёпса, унда нима бўлади?

— Агар омонатчи шу йил 1 мартгача қўйган пулларини шу йил апрель ва июль ойлари орасида бутунлай олиши зарур бўлиб қолса ўша маблағга қўшилиши керак бўлган 40 фоиз махсус ҳисобга ўтказиб қўйилади ва уч йилдан сўнг омонатчи ихтиёрига ўтади. Бундай имтиёзларнинг яратилишидан яна бир мақсад давлатимиз омонатчиларини ўз жамғармаларини омонат банкларида сақлашга қизиқтиришдир. Маълумки бу йўл билан давлатимиз ҳам, омонатчи ҳам фойда кўради.

Эълон қилинган Фармон ва махсус давлат телеграммасида кўрсатилган тартиб бўйича вилоят жамғарма банкининг ҳар бир рамондаги тармоқларида ишларнинг тезкорлик билан тўғри бажарилишини таъминлаш мақсадида ходимларимизни юбориб, назоратни кучайтирдик.

— Ҳозир компенсация, болаларга тўланадиган нафақалар, турли қўшимчалар одамларни бироз чалғитиб қўйди. 6 ёшгача бўлган болаларга 35 сўм нафақа тўланаётган эди. Энди эса 80 сўм бўлди. Шунингдек 16 ёшгача бўлганларга 40 сўмдан тўланяпти. Мана шу пулларни олиш учун қаерга, қандай ҳужжатлар топширилиши керак?

— Агар оилада эр ва хотин ишласа, аёл киши иш жойидаги махсус комиссияга ариза, болаларнинг туғилганлик тўғрисидаги гувоҳномасининг кўчирма нусхаси, турар-жойидан ҳамда ота ва онанинг 1990 йил давомидаги даромади ҳақида маълумотнома топширилиши керак. Агарда аёл киши ишламаса, ҳужжатлар эркак кишининг иш жойида расмийлаштирилади.

Суҳбатдош
Р. УСМОНОВА.

Касаба уюшмалари: ТАШКИЛИЙ ЎЗГАРИШ

Тошкент вилояти ва шаҳри касаба уюшмалари бирлашмаси кенгашининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда ташкилий масалалар муҳокама қилинди.

Д. М. Ғуломова Ўзбекистон ССР хотин-қизлар комитети раисининг биринчи ўринбосари этиб сайланганлиги муносабати билан Тошкент вилояти ва шаҳри касаба уюшмалари бирлашмаси кенгаши раислигидан озод қилинди.

Бирлашма таркиби хусусидаги масала ҳам кўриб чиқилди. Қизғин тортишувлардан сўнг алоҳида-алоҳида Тошкент вилоят касаба уюшмалари бирлашмаси ва Тошкент шаҳри касаба уюшмалари бирлашмаси кенгашлари ташкил этилди.

Тошкент вилояти касаба уюшмалари бирлашмаси кенгашининг шу куни ўтказилган биринчи ташкилий пленумида халқ депутатлари вилоят ижроия комитети раиси ўринбосари бўлиб ишлаган Д. Н. Жаҳонгирова мазкур кенгаш раиси этиб сайланди.

Шунингдек, Тошкент шаҳри касаба уюшмалари бирлашмаси кенгаши ташкилий пленуми ҳам бўлиб ўтди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети инструктори бўлиб ишлаган М. Мирпўлатов Тошкент шаҳар касаба уюшмалари бирлашмаси кенгаши раиси қилиб сайланди.

Мажлисда вилоят партия комитетининг иккинчи котиби Ш. Н. Маҳмудова ва Тошкент шаҳар партия комитетининг иккинчи котиби Ю. А. Асепков қатнашдилар ва нутқ сўзладилар.

ҒАНИМАТ КУНЛАР

АПРЕЛЬ ойининг бошида об-ҳавонинг қулай келиши ўртачирчиқликларнинг ғайратига-ғайрат қўшиб юборди. Илиқ-иссиқ кунларни ғанимат билган деҳқонлар кўчат экиш, уруғ сепиш ишларини жадаллик билан олиб боряптилар. Пахтакорлар чигит экишда ишлатиладиган техника воситаларини тахт ҳолга келтириб қўйдилар.

Бу йил Ўрта Чирчиқ райони хўжаликларида жами 14 минг 932 гектар майдонга чигит экиш режалаштирилган. Бу ўтган йилдагидан 153 гектар кам демакдир. Райондаги «Ленин йўли» жамоа хўжалигида 431 та борона ер текислашда ишлатилмоқда. 42 та сеялка, 40 та культиватор сифатли созловдам чиқариб, тахт қилиб қўйилди. Бу ишда созловчи ва механизаторлардан Ж. Туроббоев, О. Далаев, И. Файзиев, И. Қурдошев, участка механикларидан А. Усмонов, Ў. Ҳайдаров, Т. Маматкаримовлар алоҳида жонбозлик кўрсатишди.

— Муҳими, амалга оширилган ишнинг сонига эмас, сифатига қараб баҳо беришимиз керак, — дейди бош инженер вазифасини бажарувчи Р. Ҳикматов, — эрта-нидин далада ишлатилаётган техникамиз бузилиб уялиб қолмаслигимиз зарур. Бунинг учун ихтиёримиздаги барча тадбир-чораларни қўлладик.

Ҳа, чигит экиш мавсумини 5—7 иш кунида тугаллашни мўлжаллаган пахтакорлар учун ҳар бир дақиқа ғанимат.

Х. СУЛАЙМОНОВ.

Тошкент ҳақиқати
ЖАВОБ БЕРАДИЛАР

«ХЎЖАЙИНЛАР ПИЁДА ЮРИШАДИМИ?»

Рўзноманинг шу йил 17 январь сонида босилган юқоридаги сарлавҳали танқидий мақолада шаҳарда айрим автобус маршрутларидаги жиддий нуқсонлар, жумладан 9-маршрутдаги автобуслар қатновидаги тартибсизликлар ҳақида фикр юритилган эди.

Тошкент шаҳар йўловчилар ташиш автотранспорт ишлаб чиқариш бирлашмаси бошлиғининг муовини Н. С. Шариповдан олинган жавобда мақола 3-, 8-автокорхона раҳбарлари билан биргаликда бирлашмада муҳокама қилинганлиги кўрсатилади. Бундан ташқари 8-автокорхона раҳбарлари томонидан 9-маршрутда аҳолига хизмат кўрсатаётган автобус ҳайдовчилари иштирокида ҳам танқидий мақола муҳокама қилиниб, унда кўрсатилган барча камчиликлар тўғри эканлиги тан олинади. Корхона раҳбарлари мавжуд камчиликларни бартараф этиш чораларини кўрган. Жумладан, маршрутдаги барча ҳайдовчиларга қатнов жадвалига қатъий амал қилиш уқдирилган. Мазкур маршрутдаги автобуслар ҳаракатини назорат қилишни бирлашма томонидан 8-автокорхона бошлиғи З. Б. Елоев зиммасига юкланган.

167-маршрутдаги автобуслар мақолада кўрсатилганидек, илгари Гвардиячи кўчаси орқали юрар эди. Ҳозир бу кўчадан 9-маршрутдаги «Икарус» маркали кўп йўловчига мўлжалланган автобуслар қатнайди. Улар бу ерда яшовчи аҳолини ташишга етарли бўлганлиги учун 167-маршрутни Оқтепа маҳалласидан Гвардиячи кўчасига ўтказишни лозим кўрилмади. Шунингдек бу ерда яшовчи аҳоли халқа йўлдан ўтувчи 83-, 95-э, 112-ҳамда мақолада кўрсатилган 167-автобус маршрутларидан фойдаланишлари мумкин.

МАОШИ ОШИРИЛДИ

Рўзноманинг шу йил 12 январь сонида «Ҳаққимни ким ажратиб беради?» сарлавҳали мақола эълон қилиниб, унда Бўка районининг «Октябрь 40 йиллиги» жамоа хўжалигида истиқомат қилувчи Аюбхон Дадаев мазкур хўжаликдаги Киров қишлоқ матлубот жамиятига қарашли учта дўконга қоровуллик қилаётганини маълум қилган. Шунингдек олаётган маоши бажараётган ишига яраша эмаслиги туфайли Киров қишлоқ матлубот жамияти раҳбарларига мурожаат қилиб, ишини қисқартиришларини ёки маошини оширишларини сўраганида, ижобий жавоб ололмаганидан норозилик билдирган.

Мақола юзасидан Бўка район матлубот жамиятлари уюшмаси раиси Х. Давронов рўзномага йўллаган жавоб хатида айтилишича, Киров матлубот жамиятида А. Дадаев аттестациядан ўтказилиб, 2-тонфа (категория) берилган ҳамда унинг ўзи билан келишилган ҳолда 1,5 ставка маош белгиланган.

«ҲАМОН ЭСКИЧА»

Юқоридаги сарлавҳа остида босилган хабарда ҳам Облиқ қишлоғидан Ангрен шаҳрининг қатор микрорайонларига қатновчи 10-маршрутдаги автобуслар ҳаракатидаги камчиликлар кўрсатилган эди.

Рўзноманинг 16-январь сонида босилган ушбу мақолага вилоят йўловчилар ташиш концернидан жавоб олинди. Унда танқидий хабар концерн ва Ангрен автокорхонаси раҳбарияти билан муҳокама қилинганлиги айтилади. Облиқ қишлоғи билан Ангрен шаҳри оралиғида қатновчи 10-автобус маршрутининг узунлиги 11,2 километрни ташкил этиб, ана шу масофага автобуслар ҳаракати оралиғи 40—60 дақиқа белгиланган. Мазкур маршрутга ҳар куни 2 та автобус чиқарилади. Шунингдек бу маршрутдан ташқари Облиқ қишлоғидан «ВО-319» маршрутидаги Ангрен шаҳри билан Серго номли совхоз оралиғида, «ВО-312» Ангрен—Кўчбулоқ» маршрутида қатнайдиган 8 та автобус ҳар 20—25 дақиқада қатнаб туради. Яна мазкур кўрсатилган қишлоқдан «Ўзбекрезинотехника» ишлаб чиқариш бирлашмаси ва қатор корхоналарнинг буюртма автобуслари ҳам қатнайди. Уларга ҳам йўловчиларни ташиш учун рухсат берилган. Хабарда кўрсатилганидек 10-автобус маршрути шаҳар бозоригача қисқартирилса, улар кундалик режаларини бажаролмайди. 5/3, 5/4 ва 5/5 микрорайонларидаги йўловчилар ҳисобига улар кундалик кира ҳақи режаларини бажаришмоқда.

Вилоят йўловчилар ташиш концерни томонидан Ангрен автокорхонаси раҳбарларига юқорида кўрсатилган автобуслар маршрути ишини мунтазам кузатиш ва ҳайдовчилар орасида интизомни мустаҳкамлаш вазифаси топширилди.

«КПССга ҚАБУЛ ҚИЛИШИНГИЗНИ СЎРАЙМАН»

«Мени КПСС аъзолигига қабул қилишингизни сўрайман. КПСС Устави ва Ҳаракат дастури билан танишиб чиқдим ва унга амал қилишни ўз бурчим деб биламан. Мамлакатимизда бўлаётган ўзгаришларда, 73 йилдан бери кўпчиликка раҳнамо бўлиб келган партиямизга туҳмат тошлари отилаётган бир пайтда коммунистлар сафида бўлишни истайман», — деди суҳбатда Свердлов номли жамоа хўжалиги бригадаси бошлиғи Облоёр Муродов.

Облоёр Муродов 1955 йилдан буён хўжалигимизда колхозчи эди. 1980 йилдан бошлаб эса пахтачилик бригадасига бошчилик қилиб келмоқда. У бошлиқ бригада жамоа хўжалигида ҳар йили белгиланган режаларни ортиғи билан бажаради.

53 ёшида цех партия ташкилотига ариза ёзди. Коммунистлар очиқ партия йиғилишида аризани кўриб чиқдилар ва бир овоздан уни КПСС аъзолигига қабул қилишди.

Ҳозирги кунда айрим бузғунчи, қайта қуришга тубдан қарши, халқимизга умуман ёрдами тегмайдиган шахслар ошкоралик ва сўз эркинлигидан фойдаланиб, партиямиз шаънига доғ тушириб, унинг обрўйига путур етказмоқдалар. Оз бўлса-да бунга ишонаётган коммунистлар ҳам топилиб қолади. Биз уларни партия ташкилотига чақириб, бўлаётган воқеаларни батафсил тушунтиргандан сўнг, ўз хатосини тушунган ҳолда партиядан чиқиш ниятидан қайтишяпти.

Хўжалигимиз партия ташкилотида 113 нафар КПСС аъзоси бор. Улардан Ш. Эсеркепов, Х. Толипов, М. Абдураимов, М. Бадриддинов, А. Умиров, Т. Сулаймонов, Х. Мўминова, У. Йўлчиев, Ж. Тўйчиевлар жамоа хўжалиги ишлаб чиқаришида коммунистчасига астойдил меҳнат қилмоқдалар.

Ветеран коммунистларимиздан Н. Толипов, Э. Ҳанитов, А. Суюнов, А. Турсунов, Э. Қўшматов, Ч. Фозилов, М. Жоматов, Н. Абдуллаева, З. Турғуновалар партия иши учун жонбозлик кўрсатиб, ёшларимизга ўрнак бўлган ҳолда хўжалигимиз ишлаб чиқаришида ва партия ташкилотининг сиёсий-мафкуравий ишларини жонлантиришга катта ҳисса қўшмоқдалар.

Халқ манфаатларининг амалдаги ягона ҳимоячиси бўлган Коммунистик партиямиз сиёсатини барбод қилмоқчи бўлиб, ҳокимият учун талашаётган турли хил оқимлар томонидан ҳар қанча тошлар отилмасин, у барибир меҳнаткаш халқнинг ишончли партияси бўлиб қолаверади.

Р. МУСАЕВ,
Пискент районидаги Свердлов номли жамоа хўжалиги партия қўмитасининг котиби.

● *Шўролар ва қайта қуриш*

НИЯТ ХОЛИС БЎЛСА

БИЗ ҳар қандай янгиликни дарров ҳазм қилолмаймиз. Унга не-не шубҳалар билан гумонсираб қараймиз. Бу қарашларда кўпчиликнинг ишончсизлиги шундоқ ҳам сезилиб туради. Янгилик тақдири ана шу муносабатларда яққол билинади. Шўроларнинг ваколатлари Қонун билан белгилаб қўйилди. Хўп шундай экан, унинг амалдаги мавқеи қандай? Ана шу саволга жавоб топиш мақсадида Янгийўл ноҳиясининг Ново-Михайловск қишлоқ Шўросига ташриф буюрдим.

Шўро раиси Қолдибой ака Кучербоев жамоага 1969 йилдан буён бошчилик қилар экан. Биз у кишининг тажрибалари билан ўртоқлашдик.

— Қишлоқ Шўросининг 30 нафар депутати бор, — дейди Қолдибой ака.— Илгари 60 дан зиёд депутатимиз бўлар эди. Энди бундай сайлашдан воз кечдик. Чунки миқдор бору сифат йўқ. Турғунлик даврида сайлаган депутатларимиз ҳаттоки гувоҳномасини олиб кетишга эринардилар. Кейинги сайлов олдингиларидан катта фарқ қилди. Лекин ҳозир ҳам депутатларни танлашда барибир камчиликларга йўл қўяяпмиз. Баъзан номзодларни танлашда раҳбарларнинг юзига қараяпмиз. Шундай бўлса ҳам озми-кўпми ижобий натижаларга эришдик.

Шўро ҳудудидаги 12 та қишлоқда 5 мингдан зиёд аҳоли бор. Бизга ҳар йили 94 минг сўм маблағ ажратилади. Бу пул Шўро ходимлари, медпункт хизматчилари, мактаб фаррошларига маош тариқасида берилади. Лекин қишлоқларни иқтисодий ривожлантиришга етмайди. Ҳокимият Шўроларга берилгани билан бизда ортиқча маблағ ёки даромаднинг ўзи йўқ. Аҳолидан йиғиладиган тутун пули ҳисобига баъзи ишларни амалга ошираяпмиз. Масалан, «Интернационал» жамоа хўжалигининг Свердлов маҳалласи аҳлига медпункт учун бино сотиб олдик. Ҳали асфальт қилинмаган кўчалар кўп. Яхшиямки ўтган йили ноҳия ижроия қўмитаси одобонлаштириш ишларига 30 минг сўм пул ажратди. Маблағнинг йўқлиги депутатлар фаолиятига ҳам ўз таъсирини кўрсатаяпти. Маҳаллий Шўромиз депутатларидан тузилган доимий комиссиялар: савдо, маориф комиссиялари жойларда бўлиб, камчиликлар билан танишиб, бу ҳақда тегишли ташкилотларга мурожаат қилаяптилар. Лекин ҳамма гаплар қоғозда қолиб кетаяпти. Ваколат бўлгани билан қўлимиз калталик қилаяпти.

Қолдибой ака Шўролар-нинг маблағи йўқлигини, бунинг натижасида аҳолининг депутатларга ишонмай қўйганини тўғри айтди. Ҳали ҳам жойларда депутатлар қоғозлардагина қайд этиб борилаяпти, холос. Қишлоқ Шўроларида ўтказилаётган сессиялар шунчаки номигагина бўлаётганга ўхшайди. Қишлоқ Шўроси депутатларининг 11 чақириқ IV сессияси ўтган йили 27 декабрда ўтказилган экан. Нима масалалар кўрилгани ҳақида қизиқдим. Раиснинг айтишича учта масала, яъни ташкилий — ўрни бўшаб қолган депутатлар ўрнига янги депутатларни сайлаш, қишлоқ Шўроси ва ижроия қўмитасининг йиллик ҳисоботи, депутат фаолияти тўғрисидаги масалалар экан. Сессияда иштирок этган депутатлар рўйхати ҳам бор. Лекин мени бошқа нарса қизиқтираётганди. Бизга қишлоқ Шўроси депутатлари керакми? Ана шу ҳақда депутатлар нима дейишар экан?

Макаренко номли 47-ўрта мактаб ўқитувчиси, доимий комиссия аъзоси Худойберган Қосимовнинг фикрларидан бироз бўлсада қониқиш ҳосил қилдим:

— Комиссия аъзолари билан биргаликда муассасаларнинг, жамоа хўжалигидаги шийпонларнинг шарт-шароитларини кўриб чиқдик. Тўғрисини айтганда комиссия хулосасига кўра ўша камчиликларни ижобий ҳал қилиш учун раҳбарларга мурожаат қилдик. Лекин аҳвол ўша-ўша. Одамлар бизга ишонмай қўйган. Чунки бизда ҳуқуқ йўқ. Бир ишни бажаришга кучимиз етмайди. Халққа депутатлар керак, қачонки депутатнинг сўзи ўткир бўлса...

Кейинги суҳбатдошим депутат Любовь Кошелева Ново-Михайловск луб заводи ишчиси экан. Ундан гап сўрашнинг ўзи қийин бўлди. У менга сессияда иштирок этганим билан ўзбек тилини билмайман, деган баҳона билан бирорта наказ бажармаганлигини шунга йўйди. Яна ўзида депутатлик ваколати бўла туриб, қишлоқдаги озиқ-овқат дўкони айни тушлик вақтида ёпиқ бўлишини ёки дўконда бирор нарса сотилгудек бўлса ишдан кейин сотиб олишга улгура олишмаётганлигидан ҳасрат қила кетди. У бевосита ўзи депутат сифатида шу иш билан шуғулланса бўлади-ку?! Люба луб заводида 11 йилдан буён ишлар экан. Хўш, савол туғилади. Завод ишчиларининг асосий қисми аёллар бўлганлигини ҳисобга оладиган бўлсак, заводдаги хотин-қизлар муаммоларини, иш шароитидаги камчиликларни сессия масаласига киритиб, бирор натижага эришиш мумкин-ку?! Луб заводидан икки-уч нафар киши депутатликка сайланган. Демак шулар билан бамаслаҳат ишласа ҳам бўлади. Л. Кошелева заводдан ҳатто қайси ҳамкасби маҳаллий Шўро депутатлигига сайланганлигини ҳам билмайди. Ўзининг гапи бўйича сессияларда қатнашади. Депутат керак дейди, нима учун кераклигини эса билмайди.

Қолдибой ака суҳбат орасида ўз депутатларига тушунтириш бермоқчи бўлди. Афсуски бу тушунтиришлари бефойда эканлигини сезди шекилли, яхшиси жамоа хўжалиги раиси билан суҳбатлашишимни илтимос қилди. «Интернационал» жамоа хўжалигининг раиси Ғофуржон Бўрибоев хўжаликни бошқараётганига кўп вақт бўлгани йўқ. У ҳам қишлоқ Шўроси депутати. Қ. Кучербоев шунинг учун мени раис билан гаплашишга ундаган экан. Нима ҳам қилсин, қишлоқ Шўросининг маблағи бўлмагандан кейин жамоа хўжалигига суянади-да. Ундан бошқа яна кими бор.

Раис қилинган ишларни бирма-бир санади. Газлаштиришни режага киритди. Қинғиртўс қишлоғига ичимлик суви ўтказди. Свердлов маҳалласи кўчаларини асфальт қилишга бош-қош бўлди. Ғофуржондан сўрадим:

— Сизга сайловчиларингиз хўжалик раиси сифатида мурожаат қилишадими ёки депутат сифатидами?

Ғ. Бўрибоев тўғрисини айтди қўйди.— Албатта, раис сифатида-да. Лекин сиз ўйламанг. Ишласа депутат керак, чунки депутатликка номзодлар кўрсатиш пайтида қаттиқ кураш бўлади. Номзодлик учун ҳам талашишади. Сайланиб олгандан сўнг эса депутатлик нишонини тақиб юришаверади.

Шундан сўнг фикрларни жамлашга ҳаракат қилдим. Ҳеч ким депутат керак эмас, деб айтмади. Шундай экан, унда маҳаллий Шўролар фаолиятини янада жонлантиришимиз зарур. Уларга етарли маблағлар ажратилиши халқни Шўроларга бўлган муносабатини белгилайди.

Ҳ. ЮНУСОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.

● **«Малика» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг жамоаси бор имкониятларидан фойдаланиб меҳнат қилмоқдалар. Ҳ. Шодиев тасвирга туширган мана бу суратда бирлашманинг 1-тикиш-бичиш цехи комсомол ёшлари Гўзал Парпиева [чапда] ва Ғулчеҳра Мавлоновалар ўзлари тиккан хушбичим болалар кўйлаги билан.**

СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК ЖУМҲУРИЯТЛАРИ ИТТИФОҚИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

Мукофот муборак!

ЎЗБЕКИСТОН ССРДА ИСТИҚОМАТ ҚИЛУВЧИ КЎП БОЛАЛИ ОНАЛАРГА «ҚАҲРАМОН ОНА» УНВОНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Ўн ва ундан ортиқ бола туғиб тарбиялаган оналарга «Қаҳрамон она» унвони ҳамда «Қаҳрамон она» ордени берилсин:

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ БУЙИЧА

Азизова Зулфия — Оққўрғон районидан, уй бекаси.

Азимбоева Улпош — Бўстонлиқ районидаги Абай номли колхоз аъзоси.

Жахпарова Мамлакат — Паркент районидаги «Прогресс» совхози ишчиси.

Ирсматова Ортиқ Юнусовна — Пискент районидаги Свердлов номли колхоз аъзоси.

Каримова Розия — Ангрен шаҳридан, уй бекаси.

Каттабекова Салима — Бекобод районидаги Навоий номли колхоз аъзоси.

Қўлдошева Хайри — Паркент районидан, уй бекаси.

Набиева Рўзихон Махамаджоновна — Оққўрғон районидаги «Оққўрғон» совхози ишчиси.

Норматова Сурма — Бекобод районидаги «Ғалаба» колхози аъзоси.

Норқўзиева Жаннат — Бекобод районидаги «Ленинград» совхози ишчиси.

Орунова Замира — Янгийўл районидан, уй бекаси.

Ражабова Зулхаё — Бекобод районидаги «Ғалаба» колхози аъзоси.

Рисбоева Салима — Ангрен шаҳридан, ишчи.

Холматова Ойжон Изатуллаевна — Чиноз районидаги «Қизил Октябрь» колхози аъзоси.

Ҳамдамова Умиря — Чирчиқ шаҳридан, уй бекаси.

Холова Қумри — Калинин районидан, уй бекаси.

Худойбердиева Хурсанбиби Насрединовна — Ангрен шаҳридан, ишчи.

Шукурова Қурвонбу — Бўстонлиқ районидаги «Чорвоқ» совхози ишчиси.

Йўлдошева Соидмо Аҳмаджоновна — Ангрен шаҳридан, уй бекаси.

Ёқубова Хомида — Янгийўл районидаги «Коммунизм» колхози аъзоси.

Совет Социалистик Жумҳуриятлари Иттифоқининг Президенти
М. ГОРБАЧЕВ.
Москва, Кремль.
1991 йил 22 март.

АТРОФ-МУҲИТ МУҲОФАЗАСИ

ИККИНЧИ ДАРАЖАЛИ ЭМАС

БУ ШИРКАТ жамоаси хайрли вазифани бажармоқда. Бу ерда қимматли бинокорлик материали, бошқача қилиб айтганда қурилиш «нони» — цемент ишлаб чиқарилмоқда. Бундай маҳсулот ширкатнинг ўз эҳтиёжи қатори бошқа қурилиш ташкилотларига ҳам кўпгина қурилишларда етказиб берилмоқда. Ҳа, унинг маҳсулотини сабрсизлик билан кутадилар.

«Цементчи» ширкатида ишлаб чиқаришни ташкил этишда экология талабларига қандай амал қилинмоқда? Очиқ айтиш керак, бу соҳа оқсаяпти. Атроф-муҳитга кўплаб зарарли моддаларнинг тарқалишига, бу билан атмосфера ҳавосининг булғанишига йўл қўйилмоқда. Ҳатто ширкат раҳбарлиги шу вақтгача атмосферага зарарли моддаларни тарқатиш учун тегишли ташкилотлардан рухсат ҳам олишмаганки, буни ҳеч қандай сабаб билан изоҳлаб бўлмайди. Бу ҳам ўзбошимчаликнинг кўринишларидан биридир. Рухсат олинганда чиқиндиларнинг атрофга тарқатиш мумкин бўлган миқдори белгилаб қўйиларди. Ширкат раҳбарлари унга амал қилишга мажбур бўлардилар. Риоя этишмаса шунга яраша жазо олишларини яхши билишади.

Шу сабабли ҳам вақтида рухсат олишга ошиқмадилар. Лекин барибир уларнинг бу соҳадаги лоқайдликлари ўз баҳосини олаяпти. Ҳатто шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси унинг ишини бутунлай тўхтатиб қўйиш масаласини тегишли мутасадди ташкилотлар олдига қўйиш муаммоси билан шуғулланишгача бормоқда.

Ширкатдаги экологик аҳвол ниҳоятда қониқарсиз эканлигидан, бу атроф-муҳит мусаффолигини таъминлаш билан лозим даражада шуғулланилмаётганлигидан далолат берувчи мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Ҳамма нуқсон фойдаланилаётган турли-туман технологик асбоб-ускуналарга чанггазни тозалаш қурилмалари ўрнатилмаганлиги, борларининг аксарияти яроқсиз ҳолга келиб қолганлиги, бунинг оқибатида тез-тез бузилиб туриши натижасида содир бўляпти.

Ишлаб чиқариш чиқиндиларини атрофга тарқатмасдан тутиб қолиш учун ўнта қурилма ўрнатилган. Уларнинг учтаси носоз бўлиб, бот-бот тўхтаб қолади. Қолган еттитаси жуда самарасиз, эҳтиёжни тўла қондирмайди, бунинг устига эскирган. Уларни янгилари, замонавийлари билан алмаштириш ҳақида қайғурилмаяпти.

Клинкер қуйдириш печлари — ишлаб чиқариш технологиясининг муҳим занжири ҳисобланади. Шу жараёнда кўплаб ёқилғи ишлатилади. Табиийки, уларнинг ёниши оқибатида газис пайдо бўлади ва бу зарарли моддаларнинг атрофга тарқалмаслиги учун тутқичлар, фильтрлардан фойдаланилади. Ширкатда ишлаб турган шундай печка электр фильтрлари бор, лекин улар доим бир маромда ишлаб турмайди. Кўплаб заҳарли моддаларни тутиб қолмаяпти. Оқибатда ишлаб чиқаришнинг зарарли чиқиндиларини атроф-муҳитга тарқатиш мумкин бўлган миқдордагидан анча ошиб кетмоқда. Белгиланган нормага мувофиқ атмосферага бир соат давомида бир юз тўқсон беш килограмм атрофида цемент чанги чиқарилиши мумкин. Аслида қандай бўлаяпти? Деярли беш баравар кўп шундай заҳарли модда атроф-муҳитга тарқатиляпти. Янада аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак, унинг миқдори тўққиз юз ўттиз беш килограммни ташкил этаяпти.

Шунинг учун корхона ҳудуди ва ундан анча узоқдаги жойлар устига бамисоли хира парда ёпилгандай бўлиб ётипти. Цемент чангги ўсимликларга зарар келтираяпти, яқин атрофда аҳоли саломатлигига путур етказаяпти. Аввало ширкат ишчи-хизматчиларининг ўзлари ҳаммадан ҳам кўпроқ азият чекишяпти.

Ширкат раҳбарлиги ишлаб чиқаришнинг муҳим муаммолари қатори табиатни, атроф-муҳитни муҳофаза қилишга ҳам эътиборни кучайтириши, бу масалани ҳал қилиш билан жиддий шуғулланиши лозим. Ишлаб чиқариш чиқиндиларини ушлаб қолишга ёрдам берувчи эски қурилмаларни янгилари билан алмаштириши, уларни қайта созлаш ва тузатиш, айниқса, майдалаш бўлинмасидаги цемент тегирмонларини ва клинкер қуйдириш печлари электр фильтрларидан самарали фойдаланиш, бузилганларини зудлик билан ишга туширишга эришиш даркор. Умуман корхонада экологик аҳволни яхшилашга қаратилган аниқ тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш ва уни белгиланган муддатларда амалга оширилишини таъминлаш керак. Бу биринчи навбатда жамоа аъзолари саломатлигини мустаҳкамлаш учун зарур эканлигини унутмаслик лозим.

М. МАҲМУДОВ.

ТАЪСИС ЙИҒИЛИШИ БЎЛДИ

БИЗНИНГ жумҳуриятимизда ҳам ҳайвонлар ва ўсимликлар дунёсини муҳофаза қилиш, табиатни асраш учун курашишга астойдил бел боғлаган жонкуярлар сафи тобора кенгайиб бормоқда. Эндиликда олийжаноб мақсадни кўзлаган бу ҳаракат қатнашчиларини бирлаштирувчи, уларнинг куч-ғайратини аниқ мақсадга йўналтирувчи уюшма зарур бўлиб қолди. Шу мақсада куни кеча Тошкентда «Яшиллар» халқ ҳаракати вакилларининг таъсис йиғилиши бўлди.

Ёзувчилар уюшмаси, Жумҳурият табиатни муҳофаза қилиш Қўмитаси, Қизил Ярим ой жамияти, Орол ва Оролбўйини асраш Қўмитаси ҳамда «Орол» Ҳайрия-тижорат маркази ушбу хайрли ҳаракатнинг муассислари бўлишди. Шунингдек, «Яшиллар» халқ ҳаракатини «Матонат», «Дачник», «Аму», «Ўзбекистон» каби ўндан ортиқ турли хил ташкилотлар ўз ҳомийлигига олдилар.

Мазкур йиғилишда Орол ва Оролбўйини асраш жамоатчилик Қўмитасининг раиси П. Шермуҳамедов «Яшиллар» халқ ҳаракатининг Президенти қилиб сайланди.

Ҳ. БОЛҒАЕВ.

ВАХТА УСУЛИ

● **ТОШКЕНТ тўқимачилик комбинатининг айрим бўлимларида бўлсангиз, ишламасдан турган кўплаб дастгоҳлар ва машиналарга кўзингиз тушади. Сабаби эса ишчи кучларининг етишмаётганлигидадир.**

Комбинат бош директори Ботир Қодирович Эргашевнинг сўзларига қараганда жамоа хом ашё тақчиллигини сезмаяпти. Чунки у етарли. Пахта ҳам бор, асбоб-ускуналар ҳам бор. Ёрдамчи материаллар ҳам керагидан кам эмас. Бироқ кадрлар етишмаяпти. Ҳозирги вақтда корхонада 1 мингдан ортиқ ишчи ўрни бўш ётипти.

Тўқимачилар ана шу муаммони ҳал қилишнинг йўлини топишганга ўхшайди. Улар ишни вахта усули асосида ташкил этишга ўтишмоқчи. Яъни вилоятнинг шаҳарга яқин районларидан корхона автобуси билан ишчилар бир йўла 7—10 кун ишлаш учун олиб келинади. Улар бу ерда ётоқхоналарда яшашади. Бундан ташқари кундузги олий ўқув юртлари ва техникумлар талабаларини ҳам ишга жалб қилиш назарда тутилмоқда. Улар билан ўзлари учун қулай бўлган вақт давомида, масалан, кунига уч-тўрт соат корхона цехларида ишлаш бўйича келишилади. Бундан икки томон ҳам наф кўради.

А. ГЕХТЛЯР.

БОЛАЛАРГА ХАЙРИЯ ЁРДАМИ

Икки марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони, бронетанк қўшинлари маршали П. С. Рибалко номидаги Тошкент Олий танк командирлари билим юрти курсантлари Чирчиқ шаҳридаги Олег Кошевой номли 15-шаҳар болалар уйининг азиз меҳмони бўлишди. Улар бу ерга одат бўйича совғалар олиб келдилар. Бу галги совғалар чет элдан олинган эди. Гап шундаки, яқинда Германиядан билим юрти номига ҳайрия ёрдами сифатида озиқ-овқат маҳсулотлари юборилган эди.

Ҳарбий ўқув даргоҳининг коммунист ва комсомоллари, касаба кенгаши ходимлари ўз йиғилишларида бу совғаларни болаларга беришга қарор қилишди. Чунки уларга бундай ёрдам ҳаммадан кўра заруррақдир.

Билим юртининг комсомол фаолларидан катта лейтенант Игорь Пешур ва курсант Олег Рябушев бошчилигидаги 3-курс талабалари бу совғани болалар уйи тарбияланувчиларига топширдилар.

Бўлғуси офицерлар шаҳардаги болалар тарбия муассасаларига бундан буён ҳам ана шундай оталиқ ёрдами кўрсатиш ниятидадирлар.

Т. БОТИРБЕКОВ,
ЎзТАГ мухбири.

● *Мунозарага таклиф этамиз*

СИЁСИЙ ИҚТИСОДСИЗ ИҚТИСОДИЁТ

ТОШКЕНТ ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИ ИНСТИТУТИ УМУМИҚТИСОД МУТАХАССИСЛИКЛАРИ СИЕСИЙ ИҚТИСОДИ КАФЕДРАСИНИНГ МУДИРИ, ИҚТИСОД ФАНЛАРИ ДОКТОРИ, ПРОФЕССОР ШЕРҚУЛ ШОДМОНОВИЧ ШОДМОНОВ БИЛАН СУҲБАТ

— Шерқул Шодмонович, кейинги пайтда ижтимоий фанларни, шу жумладан, сиёсий иқтисод фанини ўқитиш шарт эмас, ёки уларни қисқартириш керак, деган ҳар хил гап-сўзлар юрибди. Сиз бу соҳада узоқ йиллар ишлаган, қатор илмий, ўқув-методик асарларнинг муаллифисиз. Мутахассис сифатида бу гап-сўзларга қандай баҳо берасиз?

— Биз ўн йиллар мобайнида томир отиб, мустаҳкамланган, онгимизга кучли таъсир этган бюрократик, буйруқбозлик улкан машинасини қисм-қисмларга бўлиб ташладик, турғунлик даври системасига болта урдик. Лекин бу кураш майдонига ҳаммага маъқул келадиган ўз системамизни яратмасдан, етарли тажрибага эга бўлмасдан туриб кирдик. Пировардида турли хил дунёқарашлар, бир-бирига бутунлай қарши назариялар авж олиб кетди. Ҳар бир оқим ўз билганини маъқуллашга уринмоқда. Москва, Ленинград ҳамда Россиянинг бошқа шаҳарларидаги баъзи олий билимгоҳларнинг талабалари ижтимоий фанларни ўқитиш керак эмас, уларсиз ҳам йўлимизни топиб кетамиз, деб айтмоқдалар. Техник касбга ва характерга эга бўлган айрим олимлар ҳам ижтимоий фанлар умуман зарур эмас, дарс соатларини қисқартириш керак, деган мулоҳазаларни билдиришмоқда. Ана шу тарздаги гап-сўзлар республикамизнинг йирик иқтисодий олий билимгоҳи ҳисобланган бизнинг жамоамизда ҳам эшитилиб турибди. Бу ерда ҳатто сиёсий иқтисод фанини ўқув планидан қандай қилиб қисқартириш мумкинлигини муҳокама қилмоқдалар. Мен бу ҳатти-ҳаракатларни талабалар ҳамда ёш ўқитувчиларда умидсизлик уйғотиш, мамлакатимиз, шу жумладан, республикамиз иқтисодиётини янада харобага айлантириш, халқимизни, ёш авлодни иқтисодий билимлардан маҳрум этишга қаратилган ҳатти-ҳаракатлар, деб баҳолайман. Аслини олганда, бошқача баҳолаб ҳам бўлмайди.

Етмиш йил давомида халқимиз коммунизм сари югуриб чарчади, баланд парвоз гаплардан жағларимиз толди, зўр бериб ўз билганларимизни маъқуллладик. Мана энди, жабрини тортаяпмиз: иқтисодий тангликка чангалига тушиб қолдик, устига устак — бозор иқтисодиёти. Худди шундай мураккаб пайтда аҳоли иқтисодий билимлар билан тўлиқ қуролланиши, фойда билан зиённинг фарқига етиши зарур.

Мен бу гапларни қуйинганимдан, кўп савдоларни ўз бошидан кечирган заҳматкаш халқимиз фойдасини кўзлаганимдан айтаяпман. Биз халқимизни ёпасига иқтисодий саводхонга айлантиришимиз шарт. Нима учун? Келинг, бир мисол келтирай: ҳозир иқтисодиётга оид кўпгина қарор ва қонунлар тайёрланиб, матбуотда ёритилмоқда, иттифоқ, республика олий кенгашларида муҳокама этилиб, қабул қилинмоқда. Афсуски, бу қарор ва қонунларнинг баъзилари халқ манфаатини ифода этмайди. Лекин кенгашларда халқ вакили сифатида ўтирган депутатлар лоқайдлик билан қўл кўтариб, тасдиқлайверадилар. Чунки депутатларимизнинг кўпчилиги мукаммал иқтисодий билимга эга эмаслар, муҳокама этилаётган масаланинг туб иқтисодий моҳиятини яхши тушунмайдилар.

Демак, биз хоҳлаймизми, хоҳламаймизми, сиёсий иқтисодни четлаб ўтишимиз қийин. Бу фан барча иқтисодий фанларнинг отаси, уларнинг услубий ва назарий пойдевори, бошланғич дебочасидир.

Яна бир гап: мустақиллик сари қадам ташлаётган Ўзбекистонга жаҳоннинг илғор мамлакатларида тайёрланаётган мутахассислар билан беллашадиган, бошқаларга ўз ҳақларини ўтказмайдиган етук мутахассислар жуда зарур. Шу жиҳатдан олиб қараганда, ўқув планларида сиёсий иқтисод фанини ўрганишга ажратилган соатларни ва ўқув программаларини қисқартиришга уриниш мутахассис кадрлар тайёрлаш сифатига путур етказади, деб ҳисоблаймиз.

— Сиёсий иқтисод ва бошқа ижтимоий фанларга салбий муносабатнинг пайдо бўлишининг сабаблари бордир?

— Бор, албатта. Бу биринчи навбатда социалистик системамизда фақат бир томонлама дунёқарашнинг ҳукмрон бўлиб келганлиги оқибати. Сиёсий иқтисод фани кўп йиллар давомида мамлакатимиздаги иқтисодий жараён ва ҳодисаларни, уларнинг жаҳон иқтисодиёти билан боғлиқлигини чуқур таҳлил этиб беролмади, фақат бир томонлама таҳлилга ўтиб олди, иқтисодий жараён ва ҳаётнинг ўзаро ички боғланишлари сабаб, оқибатларини ҳақконий тушунтирмади. Бундай юзакичилик ҳозиргача давом этмоқда. Лўнда қилиб айтганда, сиёсий иқтисод партия ва давлатнинг иқтисодий сиёсатига асос бўлолмади. Пировардида иқтисодиётимиз орқага кетди. Худди ана шу тангликдан усталик билан фойдаланиб, социалистик тузумни ва унинг назариясини тамомила тугатишни мақсад қилиб олган бузғунчи тўдалар мавжуд тузумни, режали иқтисодиётни, Коммунистик партияни, марксизм ва унинг таркибий қисми бўлган сиёсий иқтисодни атайлаб қоралашга уринмоқдалар.

Сиёсий иқтисод обрўсизланаётганлигининг бошқа сабаблари ҳам бор. Ўзингизга маълум, кўпгина олий ва ўрта махсус билимгоҳларида малакали, билимдон сиёсий иқтисодчи мутахассислар етишмайди. Натижада айрим жойларда бу фандан тарихчи, географ, умуман иқтисодиётни билмайдиган ўқитувчилар дарс бермоқдалар. Бундан ташқари ўзбек тилида замонавий дарсликлар етишмайди. Буларнинг ҳаммаси сиёсий иқтисодга нисбатан қизиқишни маълум даражада пасайтирмоқда.

— Сиёсий иқтисод фан сифатида қачон пайдо бўлган ва у асосан нимани ўргатади, яъни унинг предмети нимадан иборат?

— «Сиёсий иқтисод» тушунчаси юнонча сўздан келиб чиққан бўлиб, «политикос» — ижтимоий, «ойкос» — уй ёки хўжалик, «номос» — қонун, сўзларининг мажмуи, яъни «ижтимоий хўжалик қонунлари» маъносини билдиради. Бу тушунча инсоният тараққиётининг қадимги тарихидаёқ шакилланган. Гарчи у оғиздан-оғизга ўтиб юрса-да, асосларини ёзилмаганди. Француз иқтисодчиси биринчи марта «Сиёсий иқтисод трактати» номли кичик илмий асар ёзиб, бу тушунчани фан сифатида асослади. Шундан буён сиёсий иқтисод фан сифатида ўрганилади. Сиёсий иқтисод предмети: маълумки, табиатдаги ҳамма моддий борликлар, жараён ва ҳодисалар бир-бири билан чамбарчас боғланган, улар доимо алоқада бўладилар. Табиатнинг бир бўлаги ва ажралмас қисми ҳисобланган инсонлар ҳам ўзаро алоқада, муносабатда бўладилар. Бу муносабатлар оилада, ишхонада, транспортда ва бошқа жойларда такрорланиб туради. Улар ичидаги энг муҳими — ишлаб чиқариш жараёнида — кишилар ўртасидаги муносабатлардир. Сиёсий иқтисод ана шу ишлаб чиқариш муносабатларини ўргатади. Сиёсий иқтисод мавжуд иқтисодий муносабатларни тушунтирибгина қолмай, балки, уларнинг ҳаракати, ўзгариши, шакллари, келиб чиқиши, ривожланиши ҳамда ҳалок бўлиши шарт-шароитларини, уларнинг қайси бири келгуси иқтисодий тараққиётга йўл очиб бериши мумкинлигини ҳам кўрсатиб бериши зарур.

— Айрим кишилар «Сиёсий иқтисод» фанининг номини ўзгартириб, «Иқтисодий назария» ёки бошқачароқ номлаш билан юритиш керак, дейишмоқда. Бу ҳақда сизнинг фикрингиз қандай?

— Сиёсий иқтисод номини иқтисодий назария, деб юритиш таклифи Тошкентда ўтказилган гуманитар фанлар ўқитувчилар йиғилишида ҳам ўртага ташланган эди. Шунда мен «Иқтисодий назария» фанининг предмети ва услуби қанақа бўлади, деб савол бердим. Жавоб бўлмади. Ҳозир ҳам бу саволга жавоб йўқ. Демак, ҳозир Москвада, шунингдек, республикамизда ҳам фойда-зиённини суриштирмай бир амаллаб эски нарсаларни йўқ қилиб, янгилашга ишқибоз, шу билан ўзларини «кашфиётчи» сифатида кўрсатишга уринадиган кишилар кўп. Уларнинг таклифлари қўшимча ҳаражат, ташвиш, ҳатто кўнгилсиз оқибатларга олиб келишдан бошқа мақсадларга ярамайди. Ўзимиз гувоҳ бўлиб турибмиз: қайта қуриш жараёнидаги барча янгилашлар ҳам самара бермаяпти, социалистик жамиятимизни тузата олмаяпти, аксинча, уни ҳалокат ёқасига келтириб қўйди. Худди шунингдек, «Сиёсий иқтисод» номини «Иқтисодий назария», «Катта иқтисодиёт» (макроэкономика), «Кичик иқтисодиёт» (микроэкономика) деб атаган билан унинг асл моҳияти ўзгариб қолмайди, аксинча, фанни ноаниқ, чигал, боши берк кўчага олиб бориб қўяди. Масалан, бу фан «Иқтисодий назария» деб аталадиган бўлса, бир қанча аниқ иқтисодий фанларга оид назариялар: статистика, пул муомаласи, молия, тармоқ иқтисодиёти назариялари бир-бири билан қўшилиб, сиёсий иқтисодни чигаллаштиради, вазифасини оғирлаштиради.

— Республикамиздаги бошқа иқтисодий билимгоҳ,

ҚАЙТА ТИКЛАНДИ

СЎНГГИ пайтларда Оҳангарон ноҳиясида паррандачиликни ривожлантириш билан жиддий шуғулланмай қўйдилар. Бир вақтлар фақат ноҳия аҳолисинигина эмас, балки бутун вилоятни тухум, товуқ, курка, ғоз ва ўрдак гўштлари билан таъминлаган ноҳия хўжаликларидаги паррандачилик фермалари аста-секин тугатилиб кетди. «Оҳангарон» совхозининг ўзида жуда катта паррандачилик фермаси бўлиб, ўша вақтда бу фермани бошқарган Ортиқ ака Холтўраевнинг фикрларига қараганда хўжалик фақат мазкур ферманинг ўзидан ҳар йили 48—50 минг сўмдан кўпроқ соф фойда оларди. Фермада алоҳида куркачилик, ўрдакчилик ва товуқчилик участкалари бор эди. Ана шу участкаларда боқилган паррандалар ҳисобига ноҳияга қўшни бўлган Ангрен, Олмалиқ, Янгиобод, Красногорский ва Тошкент шаҳарларининг аҳолиси йил бўйи парҳез гўштлар билан мутасил таъминланиб келинарди. Тухумларнинг таннархи эса 6—7 тийиндан сира ҳам ошмаган эди.

Ноҳия хўжаликларининг турли шаҳарлар ва қўшни ноҳиялар таркибига тез-тез қўшилиб, яна ажралиб туришлари бу ердаги хўжаликларда паррандачиликнинг узлатга юз тутишга олиб келди. Шу сабабдан бўлса керак, ҳозир, ноҳиядаги «Оҳангарон», Серго ва Ворошилов номли совхозлардаги барча мавжуд паррандаларни қўшиб ҳисоблаганда ҳам 70-йиллардаги паррандаларнинг учдан бирини ташкил этмайди. Бундан ташқари паррандаларнинг бош сонлари камайиши билан бирга етиштирилаётган маҳсулотларнинг таннархи ҳам тобора қимматлашиб кетмоқда.

Ноҳиядаги Ворошилов номли совхозда ҳозир атиги 7540 бош товуқ бор. Паррандаларга кетган ўтган йилги ҳаражат 186.615 сўмни ташкил этди, даромад 164 минг 601 сўм бўлди. Совхоз фақат паррандачиликнинг ўзидан 22014 сўм иқтисодий зарар кўрди. Шу боисдан йил охирига келиб ҳисоблаганда хўжаликда бир бош товуқнинг таннархи 3 сўм 47 тийинни, бир дона тухум ишлаб чиқариш эса 23 тийинни ташкил этди.

Албатта, бу келтирилган иқтисодий зарар хўжалик раҳбари Ш. Умрзоқов, бош иқтисодчи Р. Жумақулов ва бошқаларга тинчлик бермаеди. Улар паррандачиликни фойда келтирадиган соҳага айлантириш йўлларини изладилар.

Владимир Цой: Мен 60 йилларда совхозда паррандачилик бригадасининг бошлиғи бўлиб ишлаганман. Ҳар йили давлатга бир миллион дона тухум ва икки ярим тоннадан зиёд парҳез гўшт топширардик, кейинчалик бу иш ўз ҳолига ташлаб юборилди. Совхозда инкубатор аппаратлари бор. Улар кўпдан бери ишлатилмай ётибди.

Муҳитдин Йўлдошев: (совхоз паррандачилик ижара бригадасининг бошлиғи) Дарҳақиқат совхозда анчадан бери ишлатилмай ётган инкубатор аппаратлари бор. Улар ишлатилса қисқа муддат ичида паррандачиликни фақат фойда келтирадиган соҳага айлантириши мумкин.

ПАРРАНДАЧИЛИК: ИСТИҚБОЛ ВА МУАММОЛАР

Совхоз раҳбарлари амалий таклифларни ҳар тарафлама ўрганиб чиқдилар. Махсус мутахассислар чақирилиб, инкубатория жиҳозларини текширдилар. Озмоз ҳаражат билан қайтадан ишга солса бўлади, деган қарорга келинди.

Шундай қилиб, совхозда паррандачилик инкубаторияси ташкил этилди. Унга бир вақтлар совхознинг инкубатор хўжалигида ишлаган Ҳозирали Зуфаров мутасадди этиб тайинланди. Аниқроғи Ҳозирали ака ўз оиласи аъзолари билан инкубаторияни ижарага олди.

— Орадан кўп йил ўтишига қарамасдан ускуналар анча яхши сақланган,— дея ҳикоя қилади Ҳозирали ака. — Эрта-индин ишни бошлаймиз, ажратилган хоналар дезинфекция қилинди, ускуналар ўрнатилди, айрим жиҳатлари қаттиқ синовдан ҳам ўтказилди, фақат...

Ҳа, Ҳозирали Зуфаров шу ерга келганда ўйланиб қолди: фақат совхоз паррандачилик фермаси жўжалар очириш учун тухум етказиб бера олармикан? Ана шу муаммони ҳал этиш мақсадида инкубатория цехи жамоаси паррандачилар билан шартнома тузишди. Муҳитдин Йўлдошев бошлиқ товуқчилик бригадаси ҳар йили инкубаторчиларга 40 мингдан то 100 минг донагача сифатли тухум етказиб берадиган бўлишди. Аммо яна бир муаммо бор. Совхозда Олмалиқ шаҳридан келадиган электр қуввати тез-тез ўчиб туради. Агар инкубаторларга айни тухум қўйилган пайтда тўсатдан электр қуввати узилиб қолса инкубатордаги 40 минг тухум шундайлигича палағда бўлиб қолиши мумкин. Маъмурият масаланинг бу томонини ҳам ҳал этди. Хўжалик марказидаги «Ширмой нон» кооперативига Нуробод қўрғонидан тортилиб келтирилган ва мунтазам катта қувват билан ишлайдиган электр тармоғи инкубаторияга уланмоқда.

Биз хўжалик бош иқтисодчиси Раҳимжон Жумақулов билан суҳбатлашганимизда шу нарса маълум бўлдики, инкубатория катта истиқболга эга. Ҳозир совхоз Тошкент атрофидаги паррандачилик совхозларидан бир кунлик жўжаларнинг ҳар бирини 1 сўм 10 тийиндан сотиб олмоқда. Агар инкубатория ишга тушса, бу ерда ишлаб чиқарилган ҳар бир жўжанинг таннархи 7—11 тийинни ташкил этади. Мабода қўшни совхозларга ҳар йили донасини ҳозирча бир сўмдан, 30 минг атрофида жўжа сотилганда ҳар йил давомида совхозга 30 минг сўм даромад келади, ваҳоланки, инкубаторияда бир йилда икки-уч марта — ҳар сафар қирқ минг донадан жўжа очириш мумкин.

Жўжа очириш жараёни атиги 21 кун давом этади. Ана шунда совхозда жўжалар ҳисобига тухумдор товуқларни кўпайтириб, йил давомида, кейинчалик, албатта тухум ишлаб чиқаришни бир миллион донага, паррандa гўшти ишлаб чиқаришни икки-уч тоннага етказиш мумкин.

Инкубатор ижарачиси Ҳозирали Зуфаров март ойида дастлабки жўжаларни очирди. Биринчи сафар олти минг дона жўжа очириш. кейинги сафар унинг миқдорини уч баробар кўпайтириш, ниҳоят йилнинг сўнгги ойларига бориб белгиланган қувватни ишга туширишни мўлжалламоқда.

Келгуси йилдан эса ўрдаклар ва куркаларни ҳам очириш кўзда тутилаётир.

Албатта, бу режалар бир-икки йилнинг иши. Шундай бўлса ҳам ниятнинг бўлгани яхшида.

М. ҚАЮМОВ,
жамоатчи мухбир.



● ЯНГИЙЎЛ районидаги «Ленинизм» жамоа хўжалигида чорвачилик сердаромад соҳага айланиб, фойда бера бошлади. 944 та қорамолни қишловдан муваффақиятли олиб чиқиш арафасида турган чорвадорлар бу йил эл-юрт дастурхонига 870 тонна сут етказиб беришни режалаштирганлар. СУРАТЛАРДА: соғувчи М. Охунова (юқорида), (пастда чапда) молларга озуқа бериш пайти; молбоқарлар С. Нурматов (чапда) ва У. Хожиматов.

Суратқаш В. ТУРАЕВ.

ОШИҚЧАСИ ЎЗЛАРИГА

ТОШКЕНТ ноҳиясидаги Ильич номли жамоа хўжалигининг деҳқонлари икки гектарлик иссиқхонага сабзавот уруғини сепиб бўлдилар. Ўтган 1990 йилда уруғни қалин сепганлик ва уни тўғри расад қилишнинг имкони бўлмаганидан кўчатларга қорасон касали тушган эди. Бу йил мана шу касалликнинг олдини олиб, эртаги карам, помидор, болгар қалампири уруғлари агротехника қоидаларига асосланиб, сийрак қилиб сепиб қўйилди. Ҳозир кўчатлар уч-тўрт қулоқ бўлиб қолган. Плёнка остига экиладиган помидор кўчатлари расад қилинган. Ҳозир 1 миллион дона эртаги помидор ниҳоллари ундириб олинди. Иссиқхонада кўчатларнинг ҳамма туридан режадан ошиқча экилди. Бунинг сабаби, ортиқча кўчатларни колхозчиларнинг ўзларига ёки бошқа хўжаликларга сотиш мумкин. Бундан чиққан ортиқча даромад ишчиларга қўшимча ҳақ сифатида берилади. Ҳозир иссиқхонадаги ҳар бир ишчи 200 сўмдан ошириб иш ҳақи олмоқда.

Турғун САФАРОВ.

ҲОРИЖДАН ХАБАРЛАР

ЯНГИ ШАРТНОМА ТАЙЁРЛАНМОҚДА

● ЯҚИН кунлар ичида Польша Бош вазири Белецкий СССРга расман ташриф буюради. Польша Ташқи ишлар вазирлиги вакили Бош вазир ташрифи муносабати билан ҳар икки мамлакат ўртасидаги муносабатлар ҳамда ҳамкорликка доир янги шартнома тайёрланаётганлиги хусусида ахборот берди. Сафар чоғида Польшадан совет ҳарбий қисмларини олиб чиқиб кетиш ҳамда Германия Федератив жумҳуриятидан келаётган СССР ҳарбий қисмларини Польша ҳудудидан ўтказиш чора-тадбирлари ҳам муҳокама қилинади.

«СТАЛИНИЗМНИНГ СЎНГГИ ҚАЛЪАСИ»ДАГИ САЙЛОВЛАР

● ЎТГАН якшанба куни «Сталинизмнинг сўнгги қалъаси» [чет эл журналистлари Албанияни шундай деб аташарди] — Албанияда шу мамлакат тарихида биринчи марта кўп партиявийлик асосида ўтказиладиган сайловлар бошланди. Асосий кураш ҳукмрон Албания Меҳнат партияси ҳамда оппозицияда турган Демократик партия ўртасида бўлди. Албания Меҳнат партияси раҳбари — Рамз Олия ҳам, демократик партия раҳбарлари — Г. Пашко ва С. Беришлар ҳам сайловларда ғалаба қозонгудек бўлса, мамлакатни ҳозирги сиёсий, ижтимоий ҳамда иқтисодий инқироздан олиб чиқишга ваъда бермоқдалар. Парламентга ўтказилаётган сайловларда — пойтахт Тиранада ҳам, бошқа шаҳарларда ҳам халқ фавқулодда фаоллик кўрсатди.

ПАРЛАМЕНТГА ўтказилган эркин сайловларнинг дастлабки якунлари маълум бўлди. Сайловда фуқароларнинг 96 фоизи иштирок этди. Тахминий натижаларга қараганда, шаҳар жойларидаги сайлов участкаларига аҳолининг 95 фоизи, қишлоқ жойларида эса 97 фоиз сайловчилар овоз бериш учун келдилар. Ҳукмрон Албания Меҳнат партияси номзодлари учун 65 фоиз овоз берилди. Бундай натижага фаоллик кўрсатган қишлоқ аҳолиси ҳисобидан эришилди. Бироқ Халқ Мажлиси [парламент] Раёсатининг раиси Рамз Олия, шунингдек, Ташқи ишлар вазири Муҳаммад Қоплоний номзодлари етарли даражада овоз ола олмадилар. Сайловнинг тугал якунлари бир-икки кун ичида маълум бўлади.

ЧЕГАРА ОЛИБ ТАШЛАНДИ

● ЛИВИЯ давлатининг раҳбари Муамар Каддафи Ливия билан Миср ўртасида бундан буён чегара бўлмаслиги тўғрисидаги ахборотни эълон қилди. Ливия расмий ахборот агентлиги ЖАНА Никозияда тарқатган ахборотида ҳам юқоридаги фикрларни тасдиқлади. Рамзий тасдиқ сифатида Муамар Каддафи Тобрук шаҳри яқинидаги чегара постини шахсан ўзи бузиб ташлади. Полковник М. Каддафи ҳар икки мамлакат ва қардош халқлар ўртасидаги сунъий тўсиқлар колонизаторлар томонидан бунёд этилган эди, деб таъкидлади.

ИРОҚДА ЖАНГЛАР ДАВОМ ЭТМОҚДА

● ИРОҚ шимолида исёнкор қурд халқи қисмлари билан Саддам Ҳусайнга содиқ ҳукумат қўшинлари ўртасидаги қонли жанглар давом этмоқда. Ироқнинг «нефть маркази» ҳисобланган Киркук шаҳри сўнгги кунларда қўлдан-қўлга ўтиб турибди. Қурдистон демократик партияси вакилининг гапларига қараганда, қурбонлар сон-саноқсиз бўлиб, вайронагарчиликларнинг кўлами жуда катта.

Қонли жанглардан сўнг Ироқ ҳукумат қўшинлари Киркук шаҳрини яна ўз қўлларига киритдилар. Ғарб ахборот агентликлари мухбирлари ҳамда телекомпаниялар мазкур хабарни ўз хабарларида тасдиқладилар. Узоқ давом этган қаршиликдан сўнг қурдларнинг оппозициячи кучлари чекинишга мажбур бўлдилар. Шунингдек, Дахук ҳамда Эрбиль шаҳарлари ҳам исёнчилар томонидан ташлаб чиқиб кетилди. Улар Қурдистоннинг тоғли ноҳияларига чекиндилар.

Бироқ янги сайланган Ироқ Бош вазири Саадун Хаммадий ўзининг миллатга қарата қилган мурожаатида мамлакатдаги умумий вазиятни ҳукумат назорат қилиб турибди, деб айтди. Шу билан бирга у «хорижлик агентлар»ни мамлакатга жуда катта талафот етказишда айблади.



● БАҒДОД. Яқинда бўлиб ўтган уруш мамлакатга катта талафот келтирди. СУРАТДА: вайрон бўлган конгресс саройи.

А. БАБУШКИН сурати. (ТАСС).

ҚУРОЛЛАР ИТТИФОҚЧИЛАРГА СОТИЛМОҚДА

● АМЕРИКА Қўшма Штатлари яқинда Ироққа қарши урушда ўз томонида туриб жанг қилган иттифоқчиларига қуроллар сотиш режасини тузмоқда. Сотиладиган қурол-яроғларнинг рўйхати тайёрлаб қўйилди. Бундай «мукофот»га Саудия Арабистони, Миср, Исроил, Туркия ва бошқа мамлакатлар эга бўладилар. Сотиладиган аслаҳаларнинг умумий миқдори 18 миллиард долларни ташкил этади. Жумладан, Вашингтон Мисрга F-16 тоифасидаги 46 та қирувчи самолёт, шунингдек, 188 та «Хок» тоифасидаги зенит ракеталари комплексини сотади. Исроилга эса F-15 тоифасидаги 50 та қирувчи самолёт сотиш мўлжалланмоқда. Эр-Риёд бўлса минг дона зирҳли транспортёрлар, энг замонавий М-1А2 тоифасидаги танклардан жуда кўплаб сотиб олишни ўйлаб турибди. Шунингдек, ракетага қарши ракета — «Пэтриот», пиёдачилар учун мўлжалланган «Брэдли» ҳарбий машиналари, «Апачи» деб аталган штурмчи вертолётлар ҳам савдога чиқарилади.

МАРАДОНА ФОШ ЭТИЛДИ

● ЎТГАН шанба куни Неаполь шаҳрида маҳаллий команда Миланнинг «Интер» футболчилари билан учрашди. Унда футбол ишқибозларининг энг севимли ўйинчиси — Диего Марадона майдонга тушмади. Бунга — шу йил 17 март куни Баридаги ўйин олдидан унинг қора дори истеъмол қилганлиги сабаб бўлди. Ўзгача ҳис-ҳаяжон ва ҳатти-ҳаракат кўзгатувчи мазкур дорининг кокаин асосида тайёрланганлигини медицина текшируви ҳам исботлаб берди. Марадона «қуёши» ботяптими!! Буни келажак кўрсатади.

ХОРИЖДАН ХАБАРЛАР

ЁРДАМЧИ ХЎЖАЛИКЛАР АССОЦИАЦИЯСИ

ШУ ЙИЛНИНГ бошида Бекобод ноҳиясидаги «Зафар» агросаноат комбинатига қарашли янги ташкилотлараро бўрдоқичилик бирлашмаси тузилди. Ёрдамчи хўжаликлар ассоциацияси деб аталаётган бу янги бўрдоқичилик базасига ноҳиядаги 33 та ташкилот ва майда корхоналарнинг ёрдамчи хўжаликлари бирлаштирилди.

Маълумки, шу пайтгача кўпгина ташкилотлардаги ёрдамчи хўжаликларда бир нечта мол боқилиши ҳам аксарият ҳолларда шу корхонага моддий зарар келтираётган эди. Чунки 10 та қорамолни парвариш қилиш учун бир неча кишига иш ҳақи тўлаш, уларга зарур шароит яратиб бериш, молларни ем-хашак билан таъминлаш учун ортиқча ҳаражатлар кўпайиши натижасида бир килограмм гўштнинг нархи фалон сўмга чиқиб кетаётган эди. Чорвачилик бўйича мутахассисларнинг фикрига кўра мазкур ёрдамчи хўжаликларнинг йириклаштирилганлиги ана шу моддий зарарнинг олдини олиш ва бирлаштирилган ёрдамчи хўжаликда бозор нархидан анча арзон гўшт ва сут ишлаб чиқариш имконини беради. Ҳозир янги бирлашма учун ноҳиядаги «Ленинград» давлат хўжалиги ёнидан 400 гектар ер майдони ажратилди. Бу ерларда арпа, буғдой, беда ва маккажўхори каби экинлар экилади. Ажратилган жойда 6-механизациялашган кўчма колонна қурувчилари 400 бош қорамолга мўлжалланган молхона қурилишини бошлаб юбордилар. Келгуси йилдан бошлаб йириклаштирилган ёрдамчи хўжалик ва унга аъзо бўлган 33 та ташкилот ишчи-хизматчиларнинг ҳар бирини 20 килограммдан нисбатан арзон гўшт билан таъминлаш кўзда тутилмоқда.

Қорамолларни бўрдоқига боқиш шу йилнинг май-июнь ойларида бошланади.

А. ҚОДИРОВ.

МАЙДОНИГА КИРИБ БЎЛМАЙДИ

куллиётларда сиёсий иқтисод билан бир қаторда мутахассисликлар бўйича ҳамда бошқа аниқ иқтисодий фанлар ҳам ўқитилади. Иқтисодчи мутахассислар тайёрлашда сиёсий иқтисод фанининг ўрни, унинг бошқа аниқ иқтисодий фанлар билан алоқаси қандай?

— Талабалар иқтисодни сиёсий иқтисодни ўрганишдан бошлайдилар. Улар сиёсий иқтисод назарияси, унинг қонунлари ва категорияларини ўрганмасдан туриб, иқтисодиёт майдонига кириб бўлмаслигини, тўла маънодаги билимдон иқтисодчи бўла олмасликларини яхши билишади. Шунинг учун ҳам бизда бошқа олийгоҳларга қараганда сиёсий иқтисод кенгроқ, яъни 300 соатлик программа ўтилади. Ҳеч қайси аниқ иқтисодий фан турли тармоқ ва соҳалардаги иқтисодий жараёнлар ва ҳодисаларнинг бир-бири билан боғлиқлигини одамларга, талабаларга сиёсий иқтисод фанидек аниқ ва лўнда тушунтириб беролмайди.

Маълумки, фан-техника жадал ривожланаётган ҳозирги шароитда товарлар ишлаб чиқаришга кетган жонли, жонсиз меҳнат сарфлари камайиб боради. Бу эса ўз навбатида товарлар қиймати пасайишига олиб келади. Нима учун товар қийматининг пулдаги ифодаси — баҳо пасайиш ўрнига кундан кунга ошиб бормоқда? Барча моддий ишлаб чиқариш соҳалари ўртасида (товар ишлаб чиқарувчилар) товарлар эквивалент тариқасида айрибош қилинганда нима учун айрим корхона ва мулкдорлар катта фойда олди-ю, бошқалари зарар кўрди? Номоддий соҳалар — маориф, маданият, олий таълим, соғлиқни сақлаш қайси маҳсулот эвазига мавжуд бўлиб туради ва ривожланади? Истеъмол ва жамғариш фондларининг асл манбалари нималардан иборат, уларнинг нисбатлари қандай бўлади? Ана шу каби саволларга фақат сиёсий иқтисод фанигина жавоб беради.

Демак, аниқ иқтисодий фанлар билан сиёсий иқтисод фани бир-бирини такрорламайди, аксинча тўлдиради, талабалар билимини бойитади. Сиёсий иқтисодни яхши билмаган аниқ иқтисодий фанлар ўқитувчилари ўз фанларини талабаларга яхши тушунтира олмайдилар, ҳодисаларнинг туб моҳияти, ўргатаётган нарсасининг ҳаётда қандай қўллаш мумкинлигини ифода этиб беролмайдилар. Шунингдек, сиёсий иқтисод ўқитувчиси ўз навбатида статистика, молия, пул муомаласи ҳаракати, тармоқ иқтисодиётларини билиши зарур.

— Маълумки, сиёсий иқтисод фанида К. Маркс, Ф. Энгельс, В. И. Ленин назариялари ва Коммунистик партия ҳужжатлари, йўл-йўриқлари асосий ўрин эгаллади. Қайта қуриш шароитида Ғарб мамлакатларидаги кўзга кўринган иқтисодчиларнинг назариялари ҳам ўрганиладими?

— Ўринли савол бердингиз. Ҳақиқатан ҳам сиёсий иқтисодни ўқитишда бир ёқламаликка йўл қўйилди, Ғарб иқтисодчиларининг барча фикрлари танқид қилинди, уларнинг тараққиётга ундовчи таклифларига эътиборсизлик билан қаралди. Биз бу соҳада К. Марксдан ўрнак олишимиз керак эди. У киши ўзидан олдинги ва ўз давридаги буржуа иқтисодчиларининг фикрларини ўрганиб, улардан фойдаланиб, ўз иқтисодий таълимотини яратди. Ҳозир Ғарб иқтисодчиларининг ўрганса арзигулик фикрлари, таълимотлари бор. Афсуски, уларнинг китоб ва мақолалари ўзбек тилига таржима қилинмаган. Менимча, ўзбек тилига давлат мақоми берилган ҳозирги шароитда, республикамиз мустақиллик сари интилаётган, унга билимдон иқтисодчи мутахассислар зарур бўлиб турган шу кунларда ўзбек ўқувчиларини Ғарб ва бошқа социалистик мамлакатлар йирик иқтисодчи олимлари қўлланмалари, мақолалари билан таништириб бориш зарур. Бу борада рўзнома ва журналлар катта иш қилишлари мумкин. Улар илғор чет эл мамлакатларида иқтисодчи мутахассислар тайёрлашда тўпланган тажрибалар тўғрисида мақолалар бериб борсалар, мақсадга мувофиқ бўларди.

Юқоридагиларга қўшимча қилиб айтишим мумкинки, К. Маркс томонидан сиёсий иқтисодда қилинган буюк кашфиётлар ҳозиргача буржуа назарияларининг ҳам, совет иқтисодчиларининг ҳам қўлидан келган эмас. Ғарбда К. Маркс иқтисодий назарияси кенг кўламда ўрганилмоқда, уни ўрганмаган талаба иқтисодчи мутахассис сифатида тан олинмайди.

— Шерқул Шодмонович, сиз мудирлик қилаётган сиёсий иқтисод кафедраси республикамиздаги энг кучли кафедралардан ҳисобланади. Муштарийларимизни кафедрангиз ва у ерда қилинаётган ишлар билан таништирсангиз?

— Олий билимгоҳимизда иккита сиёсий иқтисод кафедраси бўлиб, шулардан бири бизнинг кафедрадир. Бу ерда 28 ўқитувчи ишлайди, шундан 3 нафари фан доктори, 13 нафари фан номзодидир. Ҳозир замонавий талабларни ҳисобга олган ҳолда иқтисодий ўқув юртлари ва куллиётларига мўлжаллаб, махсус ўқув дастурини ишлаб чиқдик. Шунингдек бошқа ўқув қўлланмалари, лекция курслари тайёрлаш устида иш олиб бормоқдамиз. Бугунги кунда биз шуғулланаётган илмий муаммо «Маҳсулотларни кўпайтиришнинг омиллари ва уларнинг ҳаракат қонуниятлари» деб аталади. Нима учун айрим кишилар, корхона, ташкилотлар, тармоқлар ўз меҳнатларига қараганда ортиқча даромад оладилару, шу вақтнинг ўзида ҳалол меҳнат қилган бошқа жамоалар ўз меҳнатларига яраша даромад олмайдилар? Бу социал адолатсизликнинг сабаблари нимада? Илмий ишимизда ана шу каби саволларга жавоб топиб, илмий жиҳатдан асослаб, тушунтириб бермоқчимиз.

— Ҳозирги кунда сизни ўйлантириб, ташвишга солаётган муаммолар нималардан иборат?

— Саволингизга лўнда қилиб, «иқтисодий танглик», деб жавоб бермоқчиман. Бозор иқтисодиёти халқимизни ташвишдан, жамиятни иқтисодий тангликдан қутқаришга қодир эмаслиги кундан-кунга аён бўлиб бормоқда. Чунки унда ишсизлик, ёлланиб ишлаш, ишчини капиталга қарам қилиб қўйиш, меҳнатга қараб эмас, капиталга қараб даромад олиш, бировлар меҳнати эвазига хусусий мулкни кўпайтириш, стихияли ривожланиш каби иллатларга очиқчасига йўл очиб қўйилган, халқни шу балоларга гирифтор қилиш олдиндан ўйлаб, планлаштирилган. Менимча, шундай хўжалик механизмини ишлаб чиқиш лозимки, унда ким қаерда ишламасин, тенг ижтимоий фойдали меҳнатга тенг даромад олсин, меҳнаткашларни ижтимоий зарурий миқдордаги маҳсулотни кўпайтиришга, уларнинг қиймати бинобарин, баҳосини камайтиришга, мавжуд миллий бойликни сақлашга, кўпайтиришга ундайдиган, рағбатлантирадиган бўлсин. Шу муаммолар менга тинчлик бермайди, келгуси авлодга ўзимиздан қандай жамият қолдирамиз? Гуллаб-яшнаган, моддий бойликлари тўлиб-тошиб ётган, хонадонларда дастурхонлари тўкин-сочин бўлган, мутахассислари ҳар қандай ҳорижий мамлакат мутахассиси билан беллаша оладиган жамиятними ёки иқтисодий танглик чангалидаги хароба жамиятними? Бу саволлар фақатгина мени эмас, бошқаларни ҳам қийнаётганлиги сир эмас.

— Сиёсий иқтисод фанини ўқитишда қандай қийинчиликлар, муаммолар бор?

— Энг катта қийинчиликлардан бири — ўзбек тилидаги дарсликнинг йўқлиги ва ўқув қўлланмаларининг етишмаслигидир. В. А. Медведев раҳбарлигида Москвада чиқарилган дарслик ўзбек тилига таржима қилиниб, тақриздан ўтганига икки йил бўлди. Лекин қоғоз йўқлиги туфайли «Ўзбекистон» нашриётида ўз навбатини кутиб ётибди. Бошқа ўқув-қўлланмаларининг ҳам тақдири бундан баттар.

Пулнинг қадри кундан-кунга тушиб кетаяпти. Дурустроқ оёқ кийими ёки либослар 400—500 сўмдан ошади, бир кило гўшт нархи 11 сўмдан 18 сўмгача кўтарилиб кетаяпти. Худди шундай пайтда ўқитувчиларимизни моддий жиҳатдан рағбатлантиришга эътибор берилмаяпти. 150—160 сўм маош оладиган ассистентлар, 350 сўмча ойлик оладиган доцент бозор иқтисодиёти қийинчиликлари олдида душман қаршисида қурол-яроғсиз қолган жангчига ўхшайдилар. Шунинг учун ҳам ёш мутахассисларнинг кетиб қолиш хавфи туғилмоқда, янгиларини эса ишга жалб этиш қийин кўчмоқда.

Яна бир муаммо бор. Маълумки, қишлоқлардаги ўрта мактабларни битириб келаётган ёшларнинг кўпчилиги, қўпол қилиб айтганда, «Бурнинг қани?» деб сўрасангиз, қулоғини кўрсатади, ҳатто оддий саволларга ҳам жавоб беролмайди. Нима учун? Чунки мактаб ўқитувчиларида фидокорлик камайди, улар ҳар бир ўқувчининг тақдири устида астойдил бош қотирмайдилар. Бу лоқайдликни Ўзбекистон тақдирига лоқайдлик, деб ҳисоблайман. Агар қишлоқ мактабларида шу таҳлитдаги ҳатти-ҳаракат давом этаверса, эртага ҳаммаёқни яна лаёқатсиз мутахассислар билан тўлдириб юборамиз. Менимча, мактабларни ҳам хўжалик ҳисобига ўтказиш маъқул. Ҳар бир ўқитувчи ўз фаолияти маҳсулига қараб маош олса, ота-оналар ўз фарзандлари тарбияси, яхши ўқишларини назорат этиб туришга мажбур қилинсалар, ўйлайманки, лоқайдлик иллати ўз-ўзидан йўқолади.

Мактабларда «Иқтисодий билим асослари» деган фан жорий этилса, йигит-қизлар иқтисодий саводхон бўлиб чиқсалар қандай яхши.

Хулоса қилиб шуни айтмоқчиманки, сиёсий иқтисодсиз бозор иқтисодиёти майдонига кириб бўлмайди. Бу оддий ҳақиқатни бу фанга тош отаётган кишилар билиб олишлари лозим.

Суҳбатни «Тошкент ҳақиқати» социал масалалар бўлими мудири

Эсон ҚОСИМОВ
ёзиб олди.

БАРҲАЁТ ЧАШМА

ХАЛҚИМИЗ орасида қадимий урф — одат ва анъаналаримизни яхши билувчи, сўзга чечанлиги, ҳазил-мутойиба ва лапарлари билан давраларга файз киритувчи онахонлар кўп. Бўстонлиқ районидаги «Гулёр» фольклор-этнографик халқ дастасининг бадиий раҳбари Лазокат ая Нуримова ҳам халқ оғзаки ижоди намуналарини қўшиқ, лапарлар орқали элга етказмоқда. Бизнинг ая билан суҳбатимиз ҳам асрлар давомида авлоддан-авлодга ўтиб келган, лекин ҳозир биз яхши билмайдиган халқ маросимлари, уларда куйланадиган қочиримли айтишув ва ўланлар ҳақида бўлди.

— Ҳақиқатан ҳам ўзбек халқ ижодиёти бебаҳо хазина,— дейди ая,— кейинги йилларда ана шу ноёб ҳазинага доимий мурожаат этилаётганлиги, уни янада бойитиб, унутилган энг яхши расм-русумларимизни тиклаш борасидаги ҳайрли ишлар бизларни жуда қувонтиради. Айниқса, қадимий ва гўзал Наврўз байрамининг қайта тўғилганлиги учун қайта-қайта шукроналар айтгимиз келади.

Шундай шукуҳли ва файзли дамларда беихтиёр ёшлик чоғларим, ўша даврлардаги Наврўз тантаналари ёдимга тушади. Ўзим асли районимизнинг Хўжакент қишлоғида туғилганман. Биз онадан ўн фарзанд эдик. Маълумки, у пайтларда аёллар ишлашмас, уйда бола тарбияси, уй-рўзғор юмушлари-ю, тирикчилик учун бирор бир машғулот билан, хусусан, дўппи, белбоғлар тикиш, чарх йигириш билан машғул бўлар эдилар. Онамиз анча сўзамол, кўплаб халқ қўшиқларини жуда яхши билар эдилар. Улар кўпинча бирор юмуш билан банд бўлганларида (аксарият тикиш-чатиш ишларида ёки чарх йигириб ўтириб) хиргойи қилиб қолардилар. Баъзан жажжи укамни тебратиб, айтган аллаларини жонқулоғим билан тинглар эдим:

Алла айтиб боқайино алла,
Тумор олиб тоқайино алла.
Қайғуларимни юпатайино,
Ухла энди, қўзичоғимо алла.

Ҳозирги кунда дастамиз репертуаридан мустаҳкам ўрин олган «Алла», «Билакузугим», «Жоним, зайдинжон», «Қалдирғоч» каби халқ қўшиқларини мен биринчи маротаба болалик чоғимда ўз онамдан, шунингдек, тоғамдан эшитиб, ёд олганман. Ўша пайтлардаги яна баъзи бир қизиқ манзаралар ҳали-ҳануз кўз олдимдан кетмайди.

Онам ва уларга тенгдош бир неча аёллар вақти-вақти билан бир уйда тўпланишиб, бўз тўқиш учун ип йигиришга ўтиришарди. Бунда улар бир неча кун давомида ким кўп ип йигириш учун мусобақалашишар ва бу кунларни «чиллага ўтириш», деб аталарди. Шунингдек аёллар нафақат ип йигириш, балки халқ лапар ва ўланларини, ибратли мақол, маталларини ким кўп ва хўп айтиш бўйича ҳам мусобақалашардилар. Унинг шартига кўра даврадагилардан бири қўшиқни тугатиши билан ёнидагиси янгисини бошлаб юбориши, бошламаса, мусобақадан чиқиб кетиши керак эди. Чиллада ўтирган аёллар барча юмушларидан озод этилардилар. Улар учун эса кўни-қўшнилари, қариндошуруғлари овқат тайёрлаб келтирганлар. Бу билан айтмоқчиманки, бу халқ таомили ҳам кишилар ўртасидаги тотувликни таъминлашга, кўни-қўшни, ёру-биродарлар орасидаги меҳр-оқибатни кучайтиришга хизмат қилган.

Наврўз байрами ҳам жуда кенг, қизиқарли ва файзли ўтиши эсимда. Ўлкамизга баҳор келиб, чор-атроф, борлиқ уйғона бошлаши билан далаларга ҳам файз кириб, экин-тикин ишлари авж олиб кетарди. Барча каттаю кичик янги йил ҳосилининг мўл ва сифатли бўлишини ният қилишарди. Ана шу мақсадда эркаклар Наврўз куни ҳўкизларининг шохларига қизил латталар боғлаб, далага, ишга — қўш ҳайдаб чиқиб кетишар эди. Аёллар эса шу куни қўш оши қилиб далада ишлаётганларга улашишарди. Шунингдек, катта-катта қозонларда сумалак ва ҳалим тайёрланиб, бутун қишлоқ аҳлига тортиларди.

Хўжакент қишлоғидаги «Лолами» деб аталувчи кенг ялангликда баҳорда жуда ўзгача бир тароватли бўларди. Бу ялангликнинг ярмида бойғалча, ярмида эса қипқизил гилам тўшалгандек лолазор ҳар қандай кишининг қалбига олам-олам завқ-шавқ берарди. Шу боис ҳам Наврўз кунлари бу ерда ўтувчи бойғалча ва лола сайилларининг файзи жуда бўлакча бўларди. Наврўз байрамини, ана шундай сайилларни айниқса, ёш йигит-қизлар орзиқиб кутишган. Йигитлар бир тараф, қизлар бир тараф туришиб айтишувлар бошлашган, гул, баҳор, табиат ҳақида қўшиқлар куйлашган.

Гулим бора, гулим бор,
Гулбара кўйнагим бор,
Йиртилса садоғага-эй,
Менинг суйган ёрим бор.

Йигитлар олдиларида белбоғ-белбоғ ширинликлар, бўялган тухум, янги сўйилган қўйнинг тўши бўлиб, улар шуларни ўзларига унашилган қизга дугонаси ёки янгаси орқали берганлар. Орадан уч-тўрт кун ўтгач эса қизнинг онаси бўлғувси куёвини уч-тўрт жўралари билан биргаликда меҳмонга чақириб, сийлаган.

Бу йилги Наврўз шодиёналари муқаддас Рамазон ойининг муборак кунларига уйғунлашиб кетди. Шу боис ҳам ёдимда қолган ҳайит куни бўладиган қизиқарли тадбирлар хусусида ҳам бироз тўхталмоқчи эдим. Шундай улуғ айём куни қишлоғимиз аҳли «Чучвара булоқ» бўйида тўпланишарди. Улар шу булоқ қошида дилларидаги энг муқаддас орзу-армонларини баён этиб, уларнинг ушалишини сўрар эдилар. Айниқса, биз болалар келин салом маросимини хуш кўрар эдик. Бунда йил давомида тушган келинчаклар бир томонда туриб бутун ҳалойиққа, каттаю кичикка салом қилардилар. Бу салом замирида ана шу муқаддас қадамжоларда улар гўёки ўз оилаларига, умр йўлдошларига садоқат, ота-она ва эл-юртга ҳурмат бажо келтирардилар.

Бугунги кунда ўша пайтлардаги бундай урф-одатларимиз ҳақида чуқурроқ ўйласак, уларнинг ҳар бири нақадар кенг, олам-олам тарбиявий аҳамиятга эга эканлигини яққол сезиш мумкин. Ваҳоланки, халқимизда ана шу каби фойдали маросимлар жуда кўп. Шу боис ҳам биз дастамиз аъзолари билан Наврўз байрамида фақат қўшиқларимиз билан иштирок этиб қолмадик, балки, аҳоли кенг қатламлари орасида аввалдан сақланиб келинаётган чинакам миллий урф-одатлар, оғзаки ижодининг кўпгина намуналарини кенг оммалаштиришга ҳаракат қилдик. Яъни халқнинг ўзиникини олиб, ўзига сайқаллаб қайтарамиз. Бу борада дастамиз аъзолари, 85 ёшли Ўғилжон Раҳматуллаева, 76 ёшли Ўғилжон Баратовадан то 21 ёшдаги шогирдим Илмира Раҳимжоноваларгача яқин кўмакчим бўлмоқдалар.

Халқ оғзаки ижоди, турли анъаналари гўё бир зилол чашма. У ҳеч қачон қуримайди. Унинг беғуборлигини сақлаш эса ҳаммамизга боғлиқ.

Биз аядан Наврўзга бағишланган халқ қўшиғини ёзиб олдик.

БОЙЧЕЧАК ЧИҚИБДИ, БУГУН НАВРЎЗ ЭКАН

Бойчечак чиқибди, бугун Наврўз экан,
Ҳамма бир-бирига ширин сўз экан.
Олам баб-баробар кеча-кундуз экан,
Бойчечак чиқибди, бугун Наврўз экан.
Янги йилингиз муборак ҳай, бобо,
Янги йилингиз муборак ҳай, момо,
Янги йилингиз муборак бўлсин ҳай, она
Бойчечак чиқибди, бугун Наврўз экан.
Ниҳолингга берсин барака боғбон бобо,
Далангга берсин барака деҳқон бобо,
Қўрангга берсин барака чўпон бобо,
Бойчечак чиқибди, бугун Наврўз экан.
Наврўз-наврўзи олам экан,
Бугун Наврўз экан, бугун байрам экан.

З. ЖУРАЕВА.

ҚИЗЛАР БАҲСИ

НАВРЎЗ байрами арафасида Оққўрғон районидаги Ҳ. Олимжон номли колхоз клубида қизлар баҳси бўлиб ўтди. Унда колхознинг бир гуруҳ лобар қизлари ўзларининг иқтидорлари, миллий урф-одат ва маросимларимизнинг қанчалик билимдони эканликларини намойиш этдилар. Шунингдек, уларнинг оила, эр ва хотин вазифалари, қайнона-келин муносабатлари хусусида билдирган фикр-мулоҳазалари ҳам ҳакамлар ҳайъати томонидан муносиб баҳоланди. Бу борада, айниқса, 11-бригада аъзоси Мамлакат Назарова, 13-жамоа ижара бригадаси қизлари Дилнавоз Мелибоева, Дилобар Эгамова, Дилфуза, Раъно, Тожихон Абдураимовалар жавоблари кўпчиликка маъқул келди.

Улар «Турмушга чиқишда кўпроқ нималарга эътибор берасиз?», «Турмуш ўртоғингизнинг қандай фазилатларга эга бўлишини истайсиз?», «Келин бўлиб борган хонадонингизда ишни нимадан бошлайсиз?», «Алла айтишни биласизми?» каби саволларга аниқ, пухта жавоб бердилар. Шунингдек бир қанча халқ мақолларини оқилалик билан шарҳлаб бердилар.

Баҳс унинг иштирокчилари учун ҳам, йиғилганлар учун ҳам жуда фойдали бўлди. Ўзбекона урф-одат ва маросимларимиз нақадар кенг ва чуқур мазмунга эга эканлиги намойиш этилди. Колхоз хотин-қизлар кенгаши, касаба уюшмаси ҳамда район комсомол қўмитаси баҳсда қатнашган ҳар бир қизни муносиб рағбатлантирдилар.

Бу қизиқарли тадбир клуб мудири Ёқубжон Маматхўжаев ташаббуси билан ўтказилди.

У. АСҚАРОВА.





● СЎНГГИ йиллар ичида ёшларда техникага ҳавас уйғотиш борасида мактаблар, ёш техниклар станцияларида анча ишлар қилинди. Болалар қобилиятини ривожлантириш бўйича кўриклар ўтказиш йўлга қўйилди. Яқинда эса пойтахтимизда 1-республика ўқувчилар илмий-техник уюшмасининг анжумани бўлиб ўтди. Шу муносабат билан Ўзбекистон барча вилоятлари ёш техникларининг ихтиролари асосида Тошкентдаги авиасозлар Маданият саройида кўргазма ташкил этилди. Унда 250 та экспонат намойиш қилинди. СУРАТДА: кўргазмадан лавҳалар.

Суратка ш. ТЎРАЕВ.

КОШКИЙДИ ЮРАК ЁНСА...

(ҲАВАСКОРЛАРНИНГ ШЕЪРЛАРИНИ ЎҚИБ)

ХАЗРАТ Навоий «Хамса»ни ёзиш жараёнида шундай дейдилар:

«Эмас осон бу майдон ичра турмак,
Низомий панжасига панжа урмак...».

Ҳаваскор қаламкашларнинг муҳарририятимизга йўллаган шеърий машқларини кўздан кечирар эканман, юқоридаги сатрлар хаёлимни банд этди. Ҳа, шеърият майдони ичра собитлик осон эмас. Бу майдонда А. Орипов, Э. Воҳидов, Ҳ. Худойбердиева, О. Ҳожиева ва яна ўнлаб шоирлар борки, улар «панжасига панжа урмоқ»лик учун гарчи уларчалик шер бўлмаса-да, «паланг» бўлмоқ шарт. Афсуски бизга келаётган аксарият машқлар ҳали шеър бўлиб етилмаган. Тўғри, ўзим номдор шоир ёки адабиётшунос олим эмасман. Аммо бир зиёли даражасида айрим қўлёзмалар хусусида фикр билдиришга ҳаракат қилиб кўрмоқчиман.

«Қақраб ётган сувсиз ерларни обод этдинг,
Ҳалол меҳнат қилиб сен обрў топдинг,
Бутун жаҳонга ўз довруғингни таратдинг,
Қалби пок эй, заҳматкаш мардона халқим», —

деб мисралар тузади Янгийўл районидан П. Исматов. Унинг машқида шеърият қонуниятлари бир четда қолиб, асосан 9 миллион ночор аҳволдаги халқимизнинг «меҳнат қилиб, ўз бахтини топиши» мадҳ этилади. Муаллифнинг «Бузоқчам»и ҳақида ҳам илиқ гаплар айтиш қийин.

Олмалиқ шаҳридан Қ. Норинбоевнинг «Ҳаётдан лавҳалар» деб йўллаган машқлари ҳам ҳали тобига етмаган. Юқоридаги фикрни Самарқанд вилоятидан Б. Юсупов, бўкалик О. Сулаймонов йўллаган машқлар хусусида ҳам билдириш мукин.

Бир туркум машқлар муҳаббат ҳақидадир.

«Севдим мен бир йигитни,
Лек кўнгил бермадим (?)
Ҳаётимда энди битта
Бахтсизликка
учрадим»(?) —

деб бошлабди «Севги» шеърини ўртачирчиқлик М. Дўстматова. Ўз-ўзидан савол туғилади: **қандай муҳаббат эканки, кўнгил бермай туриб севилса?** Неча асрлардан бери муқаддас туйғу ҳисобланган севгига учраш нега бахтсизлик ҳисобланади? Майли, кўнгил хоҳишининг чеки йўқ! Лекин шеъриятда ҳад-ҳудуд мавжуд. Тўғри, юрак ёнсагина шеър пайдо бўлади. Бироқ ҳар қандай ҳис ҳосиласи шеър бўлиб тўкилиши шарт эмас. Агар шундай бўлганда, эди, ер шаридаги 5 миллиард одамнинг ҳаммаси шоир бўлиб қоларди. Чунки дунёда дардсиз, армонсиз, умидсиз ОДАМ бўлмаса керак! Ушбу фикрлар тошкентлик М. Раҳимова, Ш. Зокиров, ангренлик И. Раҳматов, Ў. Жўраев, бекободлик Қ. Деҳқонбоев ғалабалик Ф. Тўраева, бўстонлиқлик Ш. Мадраимов, оққўрғонлик Қ. Аҳмедов машқларига ҳам тааллуқлидир.

Шеърий машқлар орасида «ялт» этиб кўзга ташланиб қоладигани ҳам йўқ эмас. Аввалдан айтиб қўяй, улар ҳам гарчи тўлақонли шеър даражасига етмаган бўлмасада, аммо маълум маънода шеър тузилишига яқин туради. Мисол тариқасида бўкалик А. Умаров машқларини айтиш мумкин.

«Шеър ўргандик
Жомий-Жомдан,
Навоийдек хуш каломдан,
Ўша буюк икки номдан
Бири— сенсан, бири —
менман...» —

деб тожик халқига биродарлик изҳор этилган сатрлар анча шеърий талабларга жавоб бера олади. Шундай ижобий фикрларни бекободлик Ҳ. Отақулов йўллаган «Тўртликлар», «Қатралар», «Ғазаллар», «Янги шеърлар» ҳақида ҳам билдирса бўлади.

ХУЛОСА ўрнида шеърият сўқмоқлари равон эмаслигини, унинг ўзига яраша машаққатлари мавжуд эканлигини ҳаваскор қаламкашларга яна бир карра эслатишни лозим топдим. Бу ёғи энди ҳар кимнинг ўз иқтидорига ҳавола.

Дилмурод САИДОВ.



УЧ ЙИЛДА 10 БУЗОҚ

Бозорда чорва молнинг нархи осмонда. Бир тутам хашак ёки бир кило ем фалон сўм. Бу тириклик дунёси бозор билан ҳисоблашиб ўтирмас экан. Табиат ўз мўъжизасини ҳар қандай шароитда ҳам кўз-кўз қилаверади.

Пискент шаҳрининг Гулистон маҳалласида истиқомат қилаётган Облоқул Назирқулов бундан уч йил муқаддам бозордан битта сигир сотиб олди. Болаларга ҳар қандай дори-дармондан аъло — сут ичирганга не етсин. Буни қарангки, ўша йилиёқ сигир янги хонадонга иккита урғочи бузоқ ҳадя этди. Болаларнинг оғзи сут-қатиққа тегиб қолди. Орадан бир йил ўтгач, зотдор говмиш битта эмас, иккита эмас, тўртта туғди. Лекин туғиш жараёни оғир кечди. Бузоқлар йирик бўлгани ҳолда она қорнида димиқиб бирин-кетин нобуд бўлди.

Умрида табиатнинг бундай сахийлигига дуч келмаган Облоқул ачинди-ю, лекин на чора. Говмишни қайтадан яхшилаб парваришлашга тушди.

Қўй йили Назирқуловлар хонадонига мўл-кўл сут ва қутбарака тортиқ этди. Говмиш тушмагур яна тўртта бузоқ туғиб берди. Бузоқларнинг биттаси икки кун яшаб нобуд бўлди. Қолган учтаси соғлом ўсмоқда.

Назирқуловлар хонадони аъзолари уч йилда 10 бош бузоқ туққан сахий, зотдор говмишдан ғоят миннатдорлар.

СУРАТЛАРДА: оила аъзолари говмиш ва бузоқлар билан.

Суратчи: А. ИКРОМОВ.

Муҳаррир Н. НАСИМОВ.

ЭЪЛОНЛАР БУРЧАГИ

Ўзбекистон ССР халқ таълими вазирлиги
Ўзбекистон ташаббускорларнинг марказий касаба иттифоқи
Жумҳурият ўқув ишлаб чиқариш маркази
1991—1992 ўқув йилига

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Жумҳурият ўқув-ишлаб чиқариш маркази, тўқимачилик, тикувчилик саноати, давлат ва тижорат, хусусий, кооператив корхоналари учун юқори малакали йигирувчилар, тўқувчилар ва тикувчи мутахассислар тайёрлайди.

Марказга 9, 10, 11-синфни битирган қизлар имтиҳонсиз қабул қилинади.

9—11-синф маълумотига эга бўлган ўқувчилар касб ўрганиш билан бир қаторда ўрта маълумотли бўлишади.

Ўқиш муддати 2 ва 3 йил. Бу группа ўқувчилари давлат таъминотида бўлади ва ишлаб чиқариш практикаси даврида 100 фоиз маошларини оладилар.

Ўрта маълумотга эга бўлган ўқувчилар учун ўқув муддати 1 йил ва бу группа ўқувчиларига 100 сўм миқдорида стипендия ҳамда ишлаб чиқариш практикаси даврида иш ҳақининг 100 фоизи берилади.

Жумҳурият ўқув-ишлаб чиқариш марказини аъло баҳоларга битирган ўқувчилар қуйидаги олий ўқув юртлари ва техникумларга ўқишга киришда имтиёзли ҳуқуқлардан фойдаланишади:

Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат олий билимгоҳи,
Тошкент политехника олий билимгоҳи
Тошкент халқ хўжалиги олий билимгоҳи
Тошкент давлат педагогика олий билимгоҳи
Тошкент политехникуми.

11-синф маълумоти билан ўқишга қабул қилинганлар юқорида кўрсатилган олий билимгоҳларнинг кечки ва сиртқи бўлимларида ҳам ўқишлари мумкин.

Жумҳурият ўқув-ишлаб чиқариш марказидаги ўқув вақти меҳнат стажига киритилади.

Бошқа шаҳардан келганларга ётоқхона берилади ва прописка қилинади.

Ўқишга кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: бош директор номига ариза, туғилганлиги ҳақида гувоҳнома (ёки паспорт), турар-жойидан справка, маълумоти ҳақидаги гувоҳнома (ёки аттестат), 6 та 3х4 см. катталикдаги фотосурат.

Марказ, медицина комиссиясига йўлланма беради.

Манзилгоҳимиз: 700081, Тошкент шаҳри, М. Мироқилов кўчаси, 68-уй (7, 9, 11, 24, 28-трамвайлар; 13, 16-троллейбуслар; 38, 58-автобусларнинг «Бобур номли боғ» бекати). Телефонлар: 55-78-28, 55-78-30, 55-78-32.

Олдиндан чипта сотиш кассаси ишламоқда.
Касса дам олиш кунисиз соат 10 дан 20.00 гача ишлайди.
Маълумотлар олиш учун телефонлар: 44-35-91, 44-29-04, 44-35-04.



ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

5 АПРЕЛДАН БОШЛАБ

Москвалик масхарабозлар

ПОПОВ, СЕМЕНОВ, ВАСИН

ИЛК ДАСТУРИДА

масхарабозлик, ҳажвий саҳналар, тақлидлар, интермедиялар намойиш қилинади.

Дастурдан — муаллақвозлар, акробатлар, ҳаво гимнастикачилари, жонглёрлар, ўргатилган ҳайвонларнинг чиқишлари ҳам ўрин олган.

2 бўлимдан иборат катта ранг-баранг дастур.

Томошалар бегим кунлари соат 19.00 да, шанба кунлари соат 16, 19.00 да, якшанба кунлари соат 12, 15, 18.00 да бошланади.

Оммавий талабномалар қабул қилинмоқда.

«ЎЗБЕККОНЦЕРТ»
В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ СССР ХАЛҚЛАРИ ДЎСТЛИГИ САРОЙИДА
16, 17 АПРЕЛЬ СОАТ 19.30 ДА
«УМИДИМ, ФАХРИМ — БАҲОР!»

ЯНГИ КОНЦЕРТ ПРОГРАММАСИ

ҚАТНАШАДИЛАР:

Ўзбекистон ССР халқ артисти
Нуриддин ҲАМРОҚУЛОВ
«ЎЗБЕКИСТОН МАЛИКАЛАРИ» РАҚС АНСАМБЛИ
Рақсларни саҳналаштирувчи — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Қодир МЎМИНОВ.

Программани — «ҚИЗИҚЧИ—90» кўригининг совриндори Машраб НАЗАРОВ олиб боради.

Чипталар соат 11.00 дан сотилмоқда.

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ ОВЧИЛАР ВА БАЛИҚЧИЛАР ЖАМИЯТИ
вилоят овчилик хўжаликларидаги дам олиш масканларини ва юк автомашиналарини
ТАШКИЛОТЛАР ВА ШИРКАТЛАРГА
ИЖАРАГА БЕРИБ ТУРА ОЛАДИ
Қуйидаги манзилга мурожаат қилинсин: Тошкент шаҳри, 2-оқ уй кўчаси, 8-уй.
ТЕЛЕФОН: 90-47-57.

Тошкент шаҳар юқумли касалликларга қарши кураш ва зарарсизлантириш бош шаҳобчаси жамоаси бош шаҳобча бўлими бошлиғи М. Қ. Нурмуҳамедовага отаси, Улуғ Ватан уруши ва меҳнат фахрийси **Қўчқор НУРМУҲАМЕДОВнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент ҳақиқати («ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА»)

БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲ: 700000 ТОШКЕНТ, ГСП ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32.

Муҳаррир ўринбосарлари — 335885, 325747, 325748, 337916; масъул котиб — 334808, 325353, масъул котиб ўринбосарлари — 325750, бўлимлар: мафкура, ёшлар ҳаёти ва ахборот — 325778, 325645, 337010, Қишлоқ хўжалиги — 325647; саноат, қурилиш ва транспорт — 325749; маҳаллий Кенгашлар ҳаёти — 325733, ижтимоий масалалар — 325556; маданият — 325767, адабиёт ва санъат — 325553; хатлар ва оммавий ишлар — 334048, 325354, жамоатчи кенгаш қабул хонаси — 33-40-48, 325354, эълонлар бўлими —325727.

Буюртма—5211. Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси. Тошкент шаҳри. Индекс: 64672. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12